O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2004-yil, 24-sentabr • № 38 (3764)

«ЗАМИННИНГ ИККИ КЎЗИ»

Аллома Абу Райҳон Беруний Наврўз ва Меҳржонни шундай таърифлаган

«Мен доимо халқ сайилларига эҳтиром билан қарардим», деб ёзиб қолдирган эди буюк соҳибқирон Амир Темур. Истиқлол шарофати боис мамлакатимизда мустақиллик байрамининг катта халқ сайли тарзида нишонланиши халқимизнинг ўзлигини англашига, қадимий унутилган халқ сайиллари ва байрамларини тиклашга замин бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан миллий байрамларнинг тикланиши халқнинг кайфияти ва руҳиятини юксак маромда сақлаб туришга хизмат этувчи тенгсиз воситадирки, бунинг замирида тинчлик, инсонпарварлик туйғулари жамулжамдир.

Мана, шукроналик байрами — Меҳржон истиқлол тантаналарининг давоми сифатида юртимизга кириб келмоқда. Қадимдан олтин кузнинг дебочаси — мезон ойида қарши олинган Меҳржон истиқлол арафасида, 1990 йилдан бошлаб диёримизнинг кўпгина вилоят ва туманларида қайта нишонлана бошлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1992 йилнинг апрел ойидан пойтахтимиздаги сўлим боғлардан бирини «Меҳржон боғи» деб аташга қарор қилди. Яхшиликнинг шарофатини қарангки, Чилонзор туманидаги каттагина маҳалла ҳамда вилоятимиз, шаҳар ва қишлоқларимиздаги кўчалар ҳам шу ном билан атала бошланди. Республикамизнинг кўпгина боғча ва мактабларида Меҳржон байрами ўтказиб келинмоқда. Айниқса, Ватанимизнинг бир гуруҳ азамат ҳомийлари томонидан 1999 йили «Меҳржон — 99» ҳомийлик марафони ўтказилганлиги мамлакатимизда катта бир воқеа бўлди.

Бу марафон давомида республикамиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига цирк, маданият уйлари ходимлари ҳамда Ўзбекистон санъат усталари ва чет эл эстрада хонандалари иштирокида концерт уюштирилди, «Наврўз» ресторанида ўтказилган тадбир болажонлар ёдида бир умр қолди. Қолаверса, Ўзбекистон Давлат «Мерос» дастурида Меҳржон байрамининг Наврўз тантаналари каби нишонланиши алоҳида таъкидланган.

Наврўз каби Меҳржон ҳам байрамлар ичида энг каттаси бўлиб, азал-азалдан бир неча кун давомида Она-заминга, меҳнаткаш деҳқонга таъзим сифатида нишонланган.

Меҳржон халқ сайли тўғрисида донишмандларнинг рисолаларида қимматли маълумотлар келтирилган. Жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» деб аталган нодир асарида қадимий Турон, Эрон, Рум ва Афғонистон халқларининг қадриятлари, урф-одатлари ҳақида бебаҳо маълумотлар берилган. Мазкур асарда ёзилишича, «Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон ҳам заминнинг икки кўзидир». Аллома икки мавсум байрами ҳақида ҳикоя қилар экан, баҳор билан кузда кун ва туннинг икки марта тенг келишини ёдга солади. Демак, Наврўз 21 мартдан 22 мартга, Меҳржон эса 23 сентябрдан 24 сентябрга ўтар кечаси бошланади.



Ота-боболаримиз Меҳржон кунларида дала ва боғларга, узум ва қовун сайилларига чиққанлар, қавму қариндошлар бир-бирларини йўқлаганлар, бир-бирларига эҳсонлар ато этганлар, қарияларга, болаларга совға-саломлар улашилган. Қишки озуқалар ғамлашга киришганлар, уй-жойларини қишга тайёрлаганлар, қабристонларни зиёрат этиб, хас-чўпдан тозалаб, нураган жойларини суваганлар. Аразлашганлар яраш-яраш қилишиб, гина-кудуратни ўртадан кўтариб ташлаганлар. Ўтганлар ёдга олинган. Бозорларда, сайилгоҳларда олтин куз неъматлари савдоси ташкил этилган, полвонлар куч синашган, аскиябозликлар қизиган.

Мисрда Ёшлар фестивали «Меҳржон» деб аталади. Бунда бир олам маъно бор. Японияда кузги тенгкунлик — 23 сентябр мамлакат миқёсида миллий байрамлардан саналади.

Меҳржон — Она-заминнинг саховати, инсонга муруввати, ниятлар ижроси демак. Куз фаслининг ҳикматлари кўп. Олтин кузни донишмандлик ва етуклик, шукроналик ва саховат фасли, деб бежиз айтишмаган.

Меҳржон — меҳри қуёш одамлар демак, меҳрли ва саховатли инсонлар демак. Меҳржон — ўзини ўйлаганлар эмас, ўзгалар дарди билан яшайдиган инсонлар демак. Озод замон, озод замин, озод Ватанимизнинг шукроналик байрами — Меҳржонимизнинг юксак парвозини кўриш ҳали кўп авлодларга насиб этажакдир.



Билол АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди,
элшунос олим

ШЕЪРИЙ ЛАҲЗА

ВАТАН АЛЁРИ

Агарчи онамнинг жигарбандиман,
Улуғ аждодларим метин бандиман,
Энг аввал шу юртнинг ҳур фарзандиман,
Мустақил заминнинг бир дилбандиман, —
Шуҳратим, шонимсан, Ўзбекистоним!
Она юрт! Сен учун фидо минг жоним!

Гар ўғил-қизларим менга тиккан кўз,
Эгнимда гоҳ шойи, майли, гоҳо бўз,
Бобомерос макон — мангу ризқу рўз,
Қайрилмас қўш қанот шоҳона ҳур сўз:
Шуҳратим, шонимсан, Ўзбекистоним!
Сен учун бахшида минг битта жоним!

Юртим, куч-қудратинг ўйлайман мудом,
Орзу-армонларинг сўйлайман мудом,
Юксак марраларни бўйлайман мудом,
Мангу куй-қўшиғинг куйлайман мудом,
Шуҳратим, шонимсан, Ўзбекистоним!
Сен учун бахшида минг битта жоним!

Мозий ҳам иқболи беқиёс ғоят,
Минг бир авлиёси — минг бир ривоят,
Мен ҳам, юртим, меҳринг қозонсам шояд,
Мукаррам, муқаддас бамисли ҳаёт,
Шуҳратим, шонимсан, Ўзбекистоним!
Сен учун бахшида минг битта жоним!

Абдуҳамид ПАРДАЕВ

АМЕРИКА КУТУБХОНАЛАРИ: ГАП ҲОМИЙЛАРДА

Республикамизнинг бир гуруҳ кутубхона мудирлари 20 кун давомида АҚШда бўлиб, ҳамкасбларининг иш тажрибалари балан танишдилар. Улар орасида А.Пушкин номидаги вилоят илмий-оммабоп кутубхонасининг директори Шаҳодат Аҳмедова ҳам бор эди. Куйида ана шу сафар таассуротлари билан танишасиз.

АҚШ Давлат департаменти кўмагида ўтказилган бу тадбир Вашингтондаги конгресс кутубхонаси билан танишишдан бошланди. Кутубхонанинг ташқи кўриниши, архитектураси, гуллар билан бурканганлигига эътибор бермай бўлмасди. Ҳар ҳолда, кутубхонанинг ташқи қиёфаси салобатли бўлиши керак экан, деган хулосага келади киши. Чунки маънавият маскани остонасига қадам қўйган киши ўзига хос улуғворликни ҳис қилиши зарур.

Бу ерда мени ҳаяжонга солган Марказий Осиё бўлими ҳақида тўхталиб ўтишим лозимга ўхшайди. Мазкур бўлим мудири Элизабет Лейтон бир неча бор Ўзбекистонда, жумладан, Самарқандда ҳам бўлган экан. У бизнинг тилимиз, адабиётимиз, санъатимизни яхши билиши билан илиқ таассурот қолдирди, у киши, жумладан кейинги пайтларда Нодирабегим, Машраб сингари мумтоз шоирларимизнинг китоблари камчил бўлиб қолганлигини, уларни қайта нашр этишга эътибор оширилса, айни муддао бўлишини эслатиб ўтди.

Конгресс кутубхонасида (бошқаларида ҳам) жуда кўп бўлимлар бўлиб, уларда турли тоифаларга мансуб кишиларни учратиш мумкин. Болалар, оилавий ўқиш, адабиёт, санъат бўлимлари билан бирга, биз учун янгилик ва ибратли бўлган гениология, архив, кўзи ожизлар бўлимлари хусусида батафсилроқ гапиришга тўғри келади. Масалан, гениология бўлимига кирган фуқаро ўзининг етти авлодини аниқлаш имконига эга бўлади. Бўлимдаги адабиётлар, компьютер хотираларида ота ёки она авлоднинг кимлигигина эмас, улар нима иш билан шуғулланишгани, характерлари қанақа бўлганлиги, ҳатто қандай касалликлардан озор чекканликлари ҳам мавжуд.

Архив бўлимининг ҳам иши таҳсинга лойиқ. У ҳамма учун очиқ: ҳукумат, сенат, ҳатто штатларга оид қарорлар, ҳужжатларни қийналмай топиш ва танишиш мумкин. Кўзи ожизлар бўлимида компьютерлар ҳам кўзи ожизларга мослаштирилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Нью-Йоркдаги етти қаватли кутубхонадан олган таассуротларимиз ҳам бир жаҳон бўлди. Мазкур бино аввал бир қаватли бўлган экан.

Бинони юқорига кўтариб қўйиб, остига олти қаватли бино қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилибди, кейин эса ҳомийлар зарур маблағни тўлабдилар ва натижада шундай гўзал маърифат, маънавият маскани дунёга келибди. Мамлакат қонунларига биноан маърифий даргоҳларга, жумладан, кутубхоналарга ҳомийлик қилганлар бир қатор солиқлардан озод этилар экан. Шунинг учунми ёхуд ватанпарварлик, маърифатпарварлик туйғулари устунми — бу мақсадларда пул сарфлашга тайёр турган кишилар оз эмас экан. Мамлакатдаги кутубхоналарнинг 80 фоизи хусусий. Жами харажатларнинг 70 фоизини ҳомийлар тўлашади, 20 фоизи эса давлат зиммасида. Қолганини ўзлари топишади. Бу ерда давлатга қарашли кутубхоналарда ҳам бўлдик, аммо хусусий кутубхоналар анча илгарилаб кетганига ишонч ҳосил қилдик.

Табиийки, АҚШда кутубхоналардан фойдаланиш — бепул. Ҳатто кутубхоналарнинг ўзлари ҳам маблағ ишлаш имкониятига эга. Уларнинг деярли ҳаммаси замонавий нашриик асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

Бруклин, Манхеттендаги қатор кутубхоналарда ҳам бўлдик. Ҳар бир кутубхона ўрта ҳисобда миллион атрофида китоб фондига эга. Деярли ҳамма кутубхоналарда тил ўрганиш марказлари ишлаб турганлигини таъкидлаб ўтишимиз керак. Марказларда махсус ўқитувчилар ҳам бор. Истаган киши истаган тилини 3-4 ойда ўрганиб чиқиши мумкинлигига ўзимиз ҳам ишонч ҳосил қилдик.

Биз юқорида ҳомийлар ҳақида сўз юритган эдик. Шу билан бирга, кутубхона жамоасининг ана шу ҳомийларга бўлган ҳурмат-эҳтироми ҳақида ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. Биз айрим кутубхоналарда марҳум ҳомийларга ўрнатилган ёдгорлик лавҳаларини ҳам кўрдик. Ҳатто улар оламдан ўтгандан кейин ҳам номларини тарғиб қилиш, доимо хотирлаб туриш анъанаси эътиборга молик, албатта.

Аксар кутубхоналарда ёзувчилар ва шоирларнинг ўз клублари бор. Улар маълум вақтда тўпланишиб, ўз муаммоларини ҳал этишади. Кутубхона ўз нашриётида уларнинг китобларини маълум нусхада босиб чиқариши ва талаб бўлса, кейин кўп нусхада нашр этиши мумкин.

Булар бари — денгиздан томчи, албатта. АҚШда ибратга молик тажрибалар жуда кўп. Ўз навбатида, биз ҳам суҳбатдошларимизга мамлакатимизда амалга ошираётган маданий-маърифий ислоҳотлар, ибратли тадбирлар, мустақиллик шарофатлари тўғрисида сўзлаб бердик.

Юртимизда яшовчи оилалар ичида қайси бири энг китобхон эканлигини аниқлаш мумкинми? Албатта, мумкин. Маданият ишлари вазирлиги, Маънавият ва маърифат маркази, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мутасаддилари бунинг йўлини топдилар. Улар республикамиз бўйича уч босқичда «Энг яхши китобхон оила» танловини ўтказдилар.

Иккита босқичдан муваффақиятли ўтган оилалар куни кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида республика якуний босқичида беллашдилар.

Андижон вилоятидан келган Қурбоновлар оиласи бошқа барча китобхонларни доғда қолдириб Олий ўрин соҳиби бўлди.

Биринчи ўрин Тошкент вилоятидан Ҳамидовлар ва Навоий вилоятидан Жумаевлар оилаларига насиб этди. Хоразмлик Қурбоновлар, самарқандлик Эшқуловлар ва наманганлик Файзиевлар оилалари иккинчи ўринни эгаллашди.

Ғолибларга Маданият ишлари вазирлигининг пул мукофотлари ва ташкилий қўмитанинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Шавкат ЁЛДАШОВ

ЯНГИ МАВСУМ: ЯНГИ РЕЖАЛАР

Болалар ва ўсмирларнинг севимли даргоҳларидан бири — Йўлдош Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри ижодкорлари ҳам ўз мухлисларини яна қучоқ очиб кутиб олди.

Янги мавсумнинг биринчи кунида «Заҳарли томчилар» спектакли намойиш этилди. Ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Алвидо, болалик» асари асосидаги ушбу спектаклни режиссёр Бахтиёр Позилов саҳналаштирган. Унда балоғат ёшига етмаган болалар тарбияси билан боғлиқ муаммолар талқин этилади.



— Жамоамиз бу мавсумда болаларни ҳам, катталарни ҳам яхши асарлар билан хурсанд қилиш ниятида иш бошлади, — дейди театр деректори Тоҳир Йўлдошев. — Режиссёр Тожибой Исроилов саҳнага қўйган «Сичуанлик меҳрибон» спектакли премераси шу яқин кунларга мўлжалланган. Яна бир премера ҳам мухлисларга маъқул бўлади, деб ўйлаймиз. Бу режиссёр Ҳамида Маҳмудованинг «Шум бола» спектаклидир. Драматург Эркин Хушвақтов билан янги бир асар устида иш бошладик. Янги йил томошаларини ҳар йилгидан кўра қизиқарлироқ ўтказиш ниятидамиз.

ҚАЛБ ДАВОСИ

Аввал онгни соғломлаштириш керак, онг эса организмни даволайди

Таниқли руҳшунос табиб Мадади Сино Соғломлаштириш академиясининг раиси Абдукарим Усмонхўжаевнинг «Дорисиз қалб давоси» (Тошкент, «Янги аср авлоди») асарига эътиборингизни қаратмоқчиман. Одатда ички ва ташқи касалликлар, оғриқлар одам танаси касалликлари ҳисобланади. А.Усмонхўжаев эса, бу касалликларни қалб ва руҳ касалликлари, деб қарайди ва тана касалликларини тузатишда онг, дунёқарашнинг аҳамияти катта эканлигини уқдиради.

Бундай концепция илгари ҳам бўлган. Лекин А.Усмонхўжаев бу масалани қизиқарли, фойдали ва ишонарли тарзда ифодалаган.

Касаллик ва дунёқараш. Муаллиф масалани кўндаланг қўяди: «Бедаво дарднинг ўзи йўқ. Фақат бедаво дунёқараш — атроф-муҳитга нисбатан нотўғри муносабат бор. Одамни балога йўлиқтирадиган унинг дунёқараши — атроф-муҳитга нисбатан салбий муносабати, десак биров ишонадими? Ҳар кимнинг дардга чалиниши ҳам, шифо топиши ҳам унинг ўзида, унинг дунёқарашида, яъни атроф-муҳитга, ён атрофидаги кишиларга нисбатан салбий муносабатда бўлишидадир». Бу фикрни муаллиф янада кучайтиради: маънавият, маънавий камолот — саломатликка элтади, билакс маънавий қашшоқлик уни руҳий таназзул ёки касалликлар сари етаклайди.

Муаллиф замонамизнинг энг мушкул касаллиги бўлган саратон (рак) дарди ҳақида тасалли берадиган ҳаётбахш фикрни олға суради: одамлар бу хасталикни ҳеч бир дори-дармонсиз, ҳеч қандай воситасиз даволаб юборганликлари таббиётда учраб туради ва ҳамон учрамоқда.

Тана (вужуд). Ҳаракат — шифобахш кучдир, деган иборани қайта-қайта такрорлайди муаллиф. Дарҳақиқат, танани жонлантирадиган восита ҳаракатдир. Бақувват бўлай десанг — югур, гўзал бўламан десанг — югур, ақлли бўламан десанг — югур.

Муаллиф яна дейди: танани ўз дардига ўзи даво топишига ўргатинг. Чунки у сизники, уни сиз бошқаринг, уни истаган йўналишга солинг, ўзи учун ишлашига мажбур қилинг. Машқларга ўзингизни мажбур қилманг, фақат уни ўзингиз истанг.

Давоми иккинчи бетда.

«ЮЛДУЗСИЗ ОСМОН»

ДИҚҚАТ: ПРЕМЕРА!

Шу кунларда кино мухлисларининг омади чопган. Ҳар ойда камида иккита янги филм премераси бўляпти. Албатта, филмлар савияси турлича бўлиши мумкин, аммо кино санъатимизда жонланиш кўзга ташланаётгани ижобий ҳодиса.

Яқинда Киночилар уйи томошабинлар билан яна бир бор гавжум бўлди. Шоир Муҳаммад Исмоил асари асосида режиссёр Санжар Бобоев суратга олган «Юлдузсиз осмон» филмида жамиятнинг негизи бўлган оила ва унинг муқаддаслиги масаласи ўзаро инсоний муносабатлар замирида кўрсатилади.

Суратда: шу филмдан лавҳалар.

Дастлабки томошабинларга манзур бўлган ушбу киноасардаги асосий ролларни таниқли актёр Боир Холмирзаев ва экранда илк маротаба суратга тушган Заҳира Матёқубовалар ижро этишган. Филм давомида янграйдиган қўшиқларни ёш хонанда Сарвара ижро этган.

«КИТОБ — ТАФАККУР ОЗИҒИДИР...»

АКС-САДО

Таниқли ижодкор Абдулла Аъзамовнинг «Китоб? Китоб... Китоб! (Китоб ўқимайдиганларга фойдаси йўқ пандлар)»и («ЎзАС», 2004 йил, 34-сон) бугун кўпчилигимизнинг эътиборимиздан четда қолаётган улуғ неъмат — китобни шарафлаб ёзилган. **«Китоб ўқиш бой қиладими? — Моддий маънода бойишга кафолат бермайди, албатта. Лекин китоб ўқимаслик маънавий қашшоқ қилиши тайин»**, дейди муаллиф. Ҳозирги замонда кўпроқ пул топиш ёки ўткинчи нарсалардан бошқасини ўйламайдиган ёшларга қаратилган бу даъватлар.

Албатта, бадиий асар ўқиш, биринчи навбатда, одамнинг руҳиятига боғлиқ. Нари борса, икки ёки учта китоб ўқиган, лекин ўзининг ақл-идроки билан шуҳрат қозонган, илмий кашфиётлар қилиб, дунёга машҳур бўлган инсонлар ҳам бор. Шу маънода, фақат мутолаа қилиш билан ҳаётда бирор натижага эришиш қийин, назаримда. Айримлар эса, мунтазам ўқиш одамни реал ҳаётдан четлаштиради, дейди. Лекин бир нарса аниқ: китоб инсонга руҳий мадад беради, кўнгилга хотиржамлик бағишлайди ва фикрлашга ўргатади. **«Китоб саодат топиш учун ўқилмайди. Унутмаслик керакки, китоб ўқишнинг ўзи — олий саодат»**, дейди пандлар муаллифи. Лекин бу саодат нималигини тушунганлар бор, тушунмаганлар бор.

Китоблар ҳам ҳар хил. Айримлари, ҳақиқатан ҳам, носвой ўраб сотишдан бошқасига ярамайди. Ёқмаган китобни ҳеч қачон охиригача мажбуран ўқимаслик керак, дейишади. Ҳатто илмий асардан ҳам завқ олиш мумкин. Аммо **«фақат касбга оид адабиётни ўқиш билан чекланиш «ҳаётнинг мазмуни еб-ичишдан иборатдир», деган ақиданинг бир тури».**

«Китоб ўқимасдан ижод қилаётган одам буғдой солмай ун тортаётган тегирмончидай гап». Умуман олганда, мен китоб ўқимасдан ижод этаётган одамни тасаввур қилолмайман. Умрида битта бўлса ҳам шеър ўқимаган одам қандай қилиб шеър ёзишни ҳавас қилиши мумкин?

Жордано Брунонинг аҳволига тушунса бўлади: ўзи ёна бошлаганда «Оҳ» демаган донишманд, **«кимдир китобни оловга ташлаганда чидай олмади»**. Асар — уни ёзган муаллиф учун фарзанддек гап.

Фарзандингиз яхши бўладими, ёмон бўладими, керак бўлса, унинг учун жон беришга тайёр турасиз.

«Аллоҳ таоло Расулуллоҳга «Ўқи!» деб буюрди. Буни тушуниш учун энди яна шундай китобни кутиш — жоҳиллик».

Китоб ўқишни яхши кўрадиган одам, таъбир жоиз бўлса, худди кашандага ўхшайди, уни китобдан айириш жуда қийин.

Китоб варақласа боши оғрийдиганлар учун, ростдан ҳам, Абдулла Аъзамов пандларининг нафи йўқ. Чинакам китобхонлар эса, бу пандларни ўқиб бўлгач, китоб жавонларидан янги бир асарни қўлларига олган бўлсалар ажаб эмас.

Алишер ОТАБОЕВ,
талаба

"Гарантбанк" ҳамкоринг бўлса, ҳисобдан адашмайсан!

UJB O'ZUYJOYJAMG'ARMABANK Imkoniyat yaratamiz

ҚАЛБ ДАВОСИ

Боши биринчи бетда.

Муаллифнинг айтишича, вужуд руҳнинг суратидир. Агар руҳ бўлмаса, вужуд ўликдан фарқ қилмайди.

Олимнинг фикрича, жон икки хил бўлади. Биринчиси — «жисмоний жон», иккинчиси — «қалбий жон». Одатда жисмоний жон тугайди, жонсиз жасад тупроққа айланади. Одам шу билан батамом тугамайди. Одам жисмонан вафот этади. Ундаги қалбий жон мангу яшаб қолаверади.

Юрак, қалб, кўнгил. Юрак — руҳнинг табиий манбаи, дейди муаллиф. Ҳа, юрак — бу танани, тирик организмни қон билан таъминлайдиган моддий механизмдир. Қалб — сезгилар, ҳиссиётлар, қизиқишлар тизими. Қалб — бу, аввало, ибтидоий эмас, балки англашилган, идрок этилган кечинмалар, ҳиссиётлар оламидир.

Юрак ҳам касалланади, қалб ҳам касалланади. Юрак касалланса, организм қон томирларининг вазифаси бузилади. Қалб касалланса-чи? А.Усмонхўжаев шундай жавоб беради: қалбимизни заҳархандалик, ҳасад, бировни кўра олмаслик, ёмон фикрлар ва салбий ҳиссиётлар қоплаб ётган бўлса, касалланмай қолмаймиз. Кўнгилда гина қанчалик кам сақланса, одам шунчалик кучли бўлади, ташқаридан келадиган нохуш хабарларга қурашувчан бўлади. Тананинг ҳар қандай касаллиги қалб хасталигидан бошланади.

Муаллиф тавсия этади: онгимиз қалбимиз билан келишиб олсин. Узоқ яшашни истаган, бахтли, соғ-саломат умр кечиришни хоҳлаган киши, энг аввало, ўз онгини тартибга солиши жуда зарур, чунки ўз онгини қайси томонга йўналтирганлигига қараб, кишининг фақат саломатлиги эмас, балки тақдири ҳам белгиланади. Ўз ҳиссиётларингизни, истак-майлларингизни онгингиз элагидан ўтказинг, уларни жиловлашга ўргатинг. Онгсиз амалга оширилаётган ҳар қандай муолажа ва соғломлаштириш ишлари барибир барбод бўлади. Одам онгли равишда ўз-ўзини бошқариши керак. Агар салбий ҳиссиётлар онгли равишда ижобий ҳиссиётларга айлантирилса, касалликдан халос бўлиш мумкин, дейди олим.

Муаллиф ёзишича, масалан, онг қон айланиши тизимини тузата олади. Касаллик ҳақидаги ўйлардан тузалишга йўл очилади. Соғайишга интилиш хоҳиши қанчалик кучли бўлса, бемор шунчалик тез тузалади. Хаёли касал одамнинг ўзи ҳам касал. Нолиш — касаллик сабаби. Тушкунлик касаллика олиб боради. Ҳаётдан завқ ола билинг. Ҳар бир шахс ўзининг севган машғулоти билан шуғулланиш даврида оладиган қувончи ва завқи иммунитет тизимининг энг кучли рағбатлантирувчиси бўлиб хизмат қилади.

Руҳ. Руҳ танадан ҳам, жондан ҳам ажралиб туради. Руҳ онг доирасидаги жараёндир. Масалан, қўрқув, қувонч, ваҳима руҳиятга киради. Онгимиз руҳимиз талабини ҳам тушунсин-да, дейди Абдукарим Усмонхўжаев. Шу билан бирга, муаллиф талабни руҳ дунёсига, тушунишни онг дунёсига тааллуқли демоқчи бўлади. Бу — ажойиб фикр, ўқувчини кўп ўйлантириб қўяди. Дарҳақиқат, ақлий жараёнлар ва қалбий кечинмалар руҳий оламда воқе бўлади.

Абдукарим Усмонхўжаевнинг ушбу китоби аввалги китобларининг хулосавий давоми бўлиб, ҳозирги замон тиббиётининг қадимги мумтоз ва ҳозирги ёш йўналишларига бағишлангани билан ҳам фойдалидир. Китобда янги илмий ғоялар, шифокорлар ва беморлар учун тавсияномалар анчагина. Баён этиш услуби равон, тили — жозибали. Халқ орасида бу китоб қанча кўп ўқилса, саломатлигимиз шунча мустаҳкам, руҳиятимиз шунчалик мусаффо бўлади.

Шуни ҳисобга олиб, мазкур асардан кичик бир парчани эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдик.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

СОБИР БОБОЕВ

Бешафқат ўлим ўзбек профессионал мусиқа санъати асосчиларидан бири, Ўзбекистон санъат арбоби Собир Бобоевни 84 ёшида орамиздан олиб кетди.

С.Бобоев 1920 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топди. 1949—1954 йилларда Тошкент давлат консерваториясида таҳсил олди. У 20 йил Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси лавозимида фаолият юритиб, мамлакатимиз мусиқа санъатининг ривожига катта ҳисса қўшди. 1958—1960 йилларда Ўзбекистон Хор жамияти раиси, 1966—1969 йилларда Самарқанд опера ва балет театри раҳбари лавозимларида ишлаб, маданиятимизни ривожлантириш йўлида хизмат қилди. 1969—1977 йилларда Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаларига композиция фанидан сабоқ бериб, кўплаб шогирдлар тарбиялади.

Истеъдодли бастакор С.Бобоев мусиқанинг турли жанрларида самарали ижод қилди. «Далада байрам» биринчи мусиқали комедияси, «Менинг соҳилларим», «Катта муҳаббат», «Муҳаббат қўшиғи» каби мусиқали драмалари, «Фидойилар», «Зумрад», «Ҳамза» опералари санъаткор ижодида алоҳида ўрин тутади. У биринчи ўзбек болалар операси бўлган «Ёрилтош» асарининг муаллифидир. Композиторнинг Навоий, Машраб ғазалларига ҳамда замондош шоирлар шеърларига басталаган романс, қўшиқ ва бошқа асарлари таниқли хонандалар ва хор жамоалари репертуарларидан ўрин олган.

Атоқли бастакор ва жамоат арбоби С.Бобоевнинг ўзбек маданияти ва санъатига қўшган улкан ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган, у «Ўзбекистон санъат арбоби» фахрий унвони, «Эл-юрт ҳурмати» ордени-га сазовор бўлган.

Миллий мусиқамизнинг йирик намояндаси, меҳрибон устоз Собир Бобовенинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси

ТАСАВВУФ ВА ҲАЁТ

Шарқнинг деярли барча таниқли ижодкору олимлари тасаввуфдан доимо озиқланиб, унинг инсонпарварлик ва ҳақсеварлик ғояларидан руҳланганлар. Тасаввуф таълимоти инсон руҳияти, ботиний олами, туйғулари парвозини ифодалаб, Шарқ фалсафий тафаккурида муҳим ўрин эгаллаган эзгу ғоялар, ҳикматлар мажмуидир.

Тасаввуф бир томондан диний, иккинчи томондан, фалсафий-ирфоний қарашлардан озиқланган ўзига хос таълимот экан, унга замонамиз руҳига, XXI аср кишиси маънавий-руҳий эҳтиёжларига кўра, ижодий ёндашиш ҳар жиҳатдан тўғри бўлади.

Маълумки, тўрт муқаддас китоб машҳур: Забур, Таврот, Инжил ва азим уш-шаън Қуръон. Бу илоҳий китоблар — инсониятга олам ва уқбодан хабар бергувчи ваҳийлар. Аммо одамзоднинг хоссатан ўзига тааллуқли китоблар бордирки, уларнинг энг мўътабари мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маънавий маснавий» куллиётидир. Бу китоб — инсон камолоти йўлидаги исломий маънавият дурдоналаридан бири. Бу бебаҳо асарни «Қуръони Соний», деб бежиз айтишмаган.

Сўфийлар зоҳирни эмас, ботинни ростлаш, қалбнинг, руҳнинг шарафланиши ва камолоти учун курашардилар. Жалолиддин Румийнинг таъбири билан айтганда: «Инсоннинг ичи ҳуррият оламидир». Ҳа, инсон қалбан ҳурдир. Оллоҳга муҳаббат, ҳаётга муҳаббат ҳам ҳурликдан пайдо бўлган шавқдир. Бу шавқ ёмонлик, тубанликларни куйдирувчи ишққа айланиб, инсоннинг ўзини ҳам оламларни ўз ичига сиғдирувчи буюк бир илҳатга айлантиради.

Фоний дунёга эмас, балки Оллоҳга боғланиш, Ҳаққа етишиш учун риёзатларни роҳат деб улуғ муҳаббат билан интилиш — фақат тасаввуф таълимотига хос. Ана шу жиҳати билан тасаввуф аҳли, айниқса, Жалолиддин Румий, Ибн Арабий, Фаридиддин Аттор, Жомий, Машраб каби улуғ орифлар барча мазҳабларидан юқори турганлар, мазҳабларо тортишувларни маънисиз ва беҳуда нарса деб қараб, одамларни буни англашга ва бирлашишга чақирганлар. Тасаввуф инсонпарварлигининг умумжаҳонийлиги ва ўлмаслиги ҳам шундадир.

Тасаввуф — нафақат зоҳирий дунё доирасида, айни вақтда, бутун олам руҳий-ботиний тизими босқичларида инсоннинг ўз руҳий моҳияти абадийлиги, унинг дунёлар ва асрлар ичра тадрижий такомилига қатъий ишонч-эътиқоди билан боғлиқ ўзига хос таълимотдир.

Кўз билан кўриб, зоҳиран пайқашимиз мумкин бўлган моддий дунёдан ташқари, шундай ботиний кучлар борки, бизнинг улар билан мулоқот ва мусоҳабамиз хусусий (шахсий) йўсинга эга. Бу кучлар чинданам мавжудлигини, расмий фанларнинг дунёга таниқли баъзи бир олимлари уринишларини истисно этганда, тажриба йўли билан далиллаш анча мушкул. Замонавий тасаввуф аввалдан ишлаб чиқилган ва аниқ мақсадларга қаратилган дастур сифатида тадрижий ривожланиш қонунларига бўйсуниб, дунёнинг ҳамма йўналишларида ўзини намоён қила бошлади. Бир вақтлар, диний-тасаввуфий соҳалар доирасига кирган илми нужум, магия (афсун), гипноз, телекинез, парапсихология, башоратчилик ва ҳоказолар илмий тадқиқот жабҳасига ўтди.

Фикримизча, ғайритабиий ҳодисаларнинг одамларда (болаларда ҳам) тобора кўпроқ намоён бўлаётганига атавизм (насли орқали такрорланиш, суяк суриши, З.Фрейд шу фикрда эди), балки инсоннинг табиий тадрижи сабабдир, десак, кўпчиликнинг кўнглидаги гапни айтган бўламиз. Бу тадрижга сўнгги юз йилликда фан ва техника ривожи омил яратди. Чунки бу тараққиёт инсонни бўш вақт билан таъминлаб, шахс сифатида камол топдиришга имкон берди ва оқибатда у ранглар, товушлар, тимсолларни янада аниқроқ ва латифроқ илғайдиган бўлди. Йирик шаҳарларнинг қувват-ахбор майдонлари ҳам инсон биоқуввати ривожига жиддий кўмак бермоқдаки, бир сўз билан айтганда, инсон тадрижи сермаҳсул «иккинчи табиат»дан узлуксиз озуқа ола бошлади.

Бу ерда одамзод янги парапсихологик қобилият орттирар экан, маънавий маънода сезиларли камол топмаётир-ку, деган эътирозли фикр туғилиши мумкин. Лекин инсон маънавияти унинг жисмоний хусусиятларига нисбатан у яшаб турган жамият, тузумга кўпроқ боғлиқ. Ўзўзидан яна шундай савол туғилади: замонавий илмий билим (фан), ҳиссий билим (тасаввуф) ва иррационал билим (дин) ҳар қандай шахснинг маънавиятига таъсир кўрсатиши мумкинми?

Замонавий фан бу масалани ҳал бўлган, деб ҳисоблайди: илмга ташналик ибтидоданоқ одамзод ирсиятига жо қилинган ва илм Қуръони карим ҳамда Ҳадиси шарифда улуғланади. Инсон ўз ҳаётининг аввалидаёқ дунёни ўрганишга киришган. У илм-фан кўмагида моддий дунёни ўзлаштира бориб, эндиликда у латиф, ёндош ва бошқа оламларни ҳам тадқиқ этишга киришди, яъни ўз салоҳияти ва тафаккури қанотида Коинот миқёсларига кўтарилди. Фан бизнинг иқтисодий, ижтимоий ҳаётимизга кўп афзалликлар ва қулайликлар бергани ҳолда, энг муҳим масала бўлмиш, яъни: «Инсон ким ўзи, у дунёга нега келадию, энди нималарнидир англаб ета бошлаганида, ёруғ оламдан нечун кўз юмади, нима учун беқиёс, ҳад-ҳудудсиз Коинот тизимида ҳеч қандай мутлақ қадриятларга эга бўлмай, тасодифларга тўла ҳаётнинг оддий ўйинчоғига айланиб қолаверади?» — деган саволларга ҳали-ҳануз жавоб тополмаётир.

Инсон инсонлигини англаган дақиқалардан буён, ўзига-ўзи ушбу саволларни бериб келган. Лекин нима учун фан унга ҳозиргача жавоб тополмаган? Гап шундаки, фан бизда позитив (тажрибага, далилларга таянган) эди ва у ҳамма вақт инсон жисминигина ўрганган, холос. У сайёраларда ҳаёт пайдо бўлишини тадқиқ этиб, Ерда ҳаёт «тасодифан» юзага келган, деб хулоса қилган, чунки бунинг учун тегишли шарт-шароитлар бўлиши керак, бундай шарт-шароитлар эса ғоят камдан-кам ҳоллардагина юзага келади. Шу боис, фан: инсон — ўткинчи ҳодиса бўлибгина қолмай, унинг ўзи ҳам тасодифийдир ва ҳеч қандай фазовий вазифа миссиясига эга эмас, унинг билишга интилиши эса, мия толалари тизимининг муайян хусусиятидир, деб хулоса ясайди.

Ҳозирги замон одамининг онги, айтиш мумкинки, буткул рамзийдир. Гарчанд бу рамзийликни узоқ ўтмиш шоирлари, кейинроқ эса, мусаввирлар кашф этган бўлсалар-да, рамзий фикрлашни инсоният азалдан билар эди. Кўҳна маданиятлар маънавий меросига эътиборни айни шундай фикрлаш тарзи жалб этди-ку, ахир! Ўтмиш асарларининг ғаройиб тимсолларида табиий ва руҳий дунёларнинг муайян ҳодисалари ўз аксини топган эмасми?

Ўйлашимизча, бундай рамзийлик тасаввуфий туйғуларимиз учун ҳам истисно эмас. Соддароқ қилиб айтганда, тасаввуфий тасаввурларимиз негизида муайян ҳақиқатлар ўз тажассумини топган. Инсон улар билан кўзга кўринмас ришталар орқали чамбарчас боғланган ва айни шу нарса унинг (жисмидан ташқари) моҳиятини белгилайди.

Динлар тарихи — маълум маънода узоқ ўтмишдан то шу кунларгача ўзгаришсиз қолаётган мана шундай рамзий тилсимлар калитини излаб топишдан иборатдир. Даврлар ўтиши билан бу тилсимларнинг мазмун-моҳияти эмас, балки уларнинг талқини, тимсолий ва ижодий тажассуми ўзгариб келган. Шунинг учун ҳам, ижод, ҳатто илмий ижод доимо тасаввуфий хусусият касб этади. Унинг негизида шахсий тасаввуфий тажриба — «самовот уйғунлиги», «кўзгу орти дунёси» ва «ёндош оламлар»га ботиний саёҳат ва улар билан пинҳоний мулоқотлар ётадики, булар фан имкониятлари доирасидан ташқаридаги «сирли» воқеа-ҳодисалар ва кучлар ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтиради...

Мустабид тузумлар даврида узоқ йиллар ҳукмронлик қилган моддиюнчилик таълимоти дахрийлик, худосизлик (атеизм)нигина эмас, балки нигилизм (ҳар қандай тамойил ва қонуниятларни инкор қилиш)ни ҳам юзага чиқарди. Оқибатда, ақл-идрокли одамлар, хусусан, адиблар ва файласуфлар яна ўша: «Нега дунёга келдим? Нима учун яшаяпман? Нечун изтироб чекишим керак?» — қабилидаги мангу саволларни ўртага ташладилар. Инсон бундай саволларни ўзига-ўзи азал-азалдан бериб келган. Бу мураккаб масалаларга моддиюнчилик таълимоти ойдинлик кирита олмаганлиги боис, башарият томонидан яратилган аксарият моддий ва маънавий қадриятлар шубҳа остига олинди.

Мустабид тузум даврида одамларнинг бирдан-бир руҳий таянчи ва юпанчи бўлмиш масжидлар тўпдан ўққа тутилиб, бузиб ташланди, тасаввуф ва илоҳиётга жиндек дахлдор китоблар ва ноёб қўлёзмалар ёндирилди, ҳур фикр эгалари таъқиб ва тазйиқ остига олинди. Коммунистик мафкуранинг қудратли тарғибот воситалари хуружи остида одамлар қарийб ёппасига дахрийликка юз бурдилар.

Инсонни тадқиқ этарканмиз, биз унинг руҳиятининг теран тажассумини ифодаловчи шахсиятигина эмас, балки ана шу шахсият яшайдиган «уй» — жисминигина ўрганаётганимизни яқин-яқинлардагина пайқаб қолдик. Ваҳоланки, эндиликда унинг ички **«Мен»и — руҳият дунёси,** тана ўлгандан кейин ҳам сақланиб қолиши ҳақида кўплаб залворли далиллар тўпланган...

Инсоннинг руҳий моҳияти — уни ҳайвонот дунёсидан ажратиб турувчи бирдан-бир илоҳий хилқатдир. Айни шу хилқат унинг онг даражасини белгилаб, одамзоднинг бу ҳудудсиз дунёга тасодифан «ташриф» буюрмаганини билдиради. Айнан ўша хилқат инсонни тажриба, синов, хатолик ва тўсиқларни енгиш орқали эзгулик ва ёвузликнинг моҳиятини ҳамда дунё тизимида ўзининг фаол бунёдкор кучлардан бири эканини англаб етишига омил яратади, охир-оқибат, унинг маънавий камолотини таъминлайди. Бундай комил инсонлар эса, Яратувчининг ҳабибига айланади: Ўтмишда яшаб ўтган улуғ мутасаввифлар, валийлар ана шундай сиймолар эмасмиди, ахир! Бахтимизга, бундай зотлар, камтарин ва валийсифат инсонлар, бизнинг давримизда ҳам йўқ эмас. Улар ҳар жабҳада, ўзларига берилган иқтидорлари боис, халқимиз фаровонлиги ва жамиятимизнинг нурафшон истиқболи йўлида ҳалол меҳнат қилмоқдалар.



Хива дурдоналари. Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Муҳаббат жўн ҳодиса эмас...

(«Ўз АС», 2004 йил, 27 август)

Бугунги ёшларнинг муайян қисмида ишқни жўн тушуниш «таомил»и пайдо бўлди. Хатто жамоат жойларида ҳам ҳаёни унутиб қўядиганларнинг кўпайиб кетганлиги бунинг яна бир далилидир. Бунда, шубҳасиз, миллий ахлоқимизга зид бўлган телесериаллар, мазаматрасиз қўшиқлар, айниқса, моҳиятдан йироқ «клип»ларнинг «улуш»и сезиларли. Севимли газетамиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да бундай ножоиз ҳолларга ўринли муносабат билдирилаётгани қувонарли. Нурбой Абдулҳакимнинг «Муҳаббатсиз кишидин қоч...» мақоласи, шу жиҳатдан, долзарб мавзуга бағишланган.

АКС-САДО

Муаллиф тўғри таъкидлаганидек, «Аслида кундай аён: акаси синглисини севиб қоладиган бундай сериаллар ҳам, Эсмералдаю Ґваделупелар ахлоқи ҳам миллий маънавиятимизга мутлақо ёт. Улар бизга зинҳор ўрнак бўла олмайди. Шундай бўлгач, бу тарздаги суюқ филмлар таржимасига зўр бераверишнинг ҳеч қачон ўзини оқламайди». Дарҳақиқат, бундай сериаллар миллат онги ва дунёқараши учун заррача фойда келтирмайди («Ошин» филмини инобатга олмаганда).

Аммо биздаги дубляж санъатига «гап йўқ». Дубляжларимиз дунёдаги манаман деган халқлар санъаткорларига ўрнак бўлса бўладики, асло қолишмайди. Хориж актёр ва актрисалари «ўзбекча»да шунақа сўзлашадики, кино аслида ҳам ўзбек тилида яратилганми, дейсиз. Лекин шу маҳоратнинг том маънодаги миллий филмлар яратишга сарфланмаётгани кишини ўйлантиради.

Мен яна бир масалада мақола муаллифига қўшиламан. Ҳақиқатан ҳам, «Озгина фикрлайдиган одамга маълум: миллатимиз тарихи, адабиёти, оғзаки ижоди тенгсиз хазина. Ундан бўлмаса?! Шу маънода, хонанда Шуҳрат Қаюмовнинг «клип»ларда миллий филмларимиздаги таъсирли лавҳалардан ижодий фойдаланаётганини ижобий ҳол сифатида баҳолаш мумкин. Мақсадимиз холис: «клип»лар ҳам чинакам ижод маҳсулига, керак бўлса, тарбия воситасига айлансин.

Шундагина биз ўз ижодимиз, санъатимиз билан жамият маънавияти юксалишига хизмат қилган бўламиз. Бинобарин, ишқ-муҳаббат, айримлар ўйлаётганидек, жўн ҳодиса эмас. У жамият тараққиётига, маънавият такомилига хизмат қиладиган олий қадрият. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Абдураҳмон ПИРИМКУЛОВ,
филология фанлари номзоди

АСАЛАРИ — МАСАЛ АРИ

Ўйлаб қарасам, асалари нақд мўъжизанинг ўзи экан. Асаларичилик билан шуғулланиб, рўзғор тебратганман. Фақат моддий эмас, маънавий озиқ ҳам олганман улардан. Тоғ ва яйловларда бу жониворлар билан яккама-якка қолганда, ҳаёт тарзини кузатиб, ҳайрат ва ҳаяжонга тушган дамларим кўп бўлган. Шу кузатувларимни эътиборингизга ҳавола этгим келди.

ОНА САЙЁРА — ҚУРИҚХОНА

Асаларилар рўзғоридаги юмушлар шу қадар беададки, эрта тонгдан — қоронғу тушгунча, баҳордан — қора совуқлар бошлангунча тиним нималигини билмай ишлашса ҳамки, бесарҳад ташвишларнинг охири кўринай демайди. Ҳатто тунда ҳам, қаҳратон қишда ҳам ишлашга тўғри келади. Табиатнинг яшаш учун кураш қонуни, оиланинг темир интизоми, тирикчиликнинг жамики таомиллари шунга даъват этади уларни!

Она асалари бу тун ҳам ҳаловат топмади: у анчайин кексайиб, кам ухлайдиган, ҳар нарсадан ҳадиксирайдиган бўлиб қолганди. Бу тун ҳам аллақандай хавотирдан уйқуси учиб, ўзига тегишли мулкнинг бир қисмини кўздан кечириб чиқди; назарида, қаердадир оналикка даъвогар малика вояга етаётгандай бўлиб туюлаверди. Беҳуда шубҳаланган экан: оилада осудалик — назоратчи сергак, ишчи арилар тиним билмай ишлашмоқда.

Одатдагидек, бугун ҳам у ишни олти қиррали бежирим бешикчаларда вояга етаётган ёш авлодни кўздан кечиришдан бошлади. Катакдан чиқмоқчи бўлаётган аричаларнинг ини устидаги юпқа пардани очишга кўмаклашди. Индан эндигина чиққан аричалардан бирини алламаҳалгача кузатди — у қанотларини енгил қоқди. Бугун у ўйнаб кулади.

Она асалари оиладаги йигирма мингдан кўпроқ ишчи арини, ўндан зиёд текинхўр эркакларни шахсан танийди. Ҳар оқшом оила жамулжам бўлганда, қадрдон гўшага қайтолмай, йўлда жон берган ишчи ариларни эслаб қайғуради; ўша заҳотиёқ уларнинг ўрнини тўлдириш ташвишига тушади.

Она учун бунақа ташвишлар оз эмас. У тонг билан соқчилар ишини яна бир бор кўздан кечириб чиқмаса, кўнгли тинчимайди. Чунки соқчилар ёш, тажрибасизлик қилиб, инга қуруқ кириб келаётганларни ўтказиб юборишлари мумкин.

Соқчиликка навқирон ариларнинг мақбули йўқ. Улар оиланинг темир интизоми талабларига хиёнат қилишмайди: мунофиқлик, дангасалик, айёрликдан нафратланишади.

Лекин она асалари ботбот хавотир тортади — бу азаматларда ҳушёрлик, кучқувват бор-у, тажриба етишмайди. Оиланинг маккор душманлари бундан устакорлик билан фойдаланишади. Ёвуз кучлар эса оз эмас. Бели ингичкадан келган сарғиш ари бор — асалари бўриси, дейишади бу ёвузни. Эшик олдида пойлаб туради-ю, нектар олиб келаётган арига ташланиб қолади.

Маликаи тождорни ташвиш, таҳликага соладиган асосий рақиб бўри эмас. Ундан кўра каркунак хавфлироқ. Минг лаънатлар бўлсин бу йиртқичга! У асалари инлари атрофида парвоз этиб, бол олиб келаётган ариларни тутиб еяверади. Арилар жон талвасасида унинг комига ниш санчадилар, лекин бу жоҳилга заҳар кор қилмайди. Осмонда каркунак пайдо бўлиши билан соқчилар безовталаниб, оилани огоҳ этадилар. Она асалари жонини ҳовучлаб туради. Йиртқич даф бўлмагунча, арилар парвозини тақиқлаш ҳақида фармон беради.

Бу ҳам ҳолва — соқчиларнинг тажрибасизлиги, айрим ишчи ариларнинг бефаҳмлиги оқибатида, гоҳида оилага япон канаси кириб қолади. Ана шу балодан асрасин! Бориб турган эпидемия!

Асалари оиласини асосан ишчи арилар тутиб турадилар. Рўзғордаги асосий юмуш, тирикликнинг жами ташқи ишлари шу азаматлар зиммасида. Улар эрта тонгдан қоронғи тушгунча гулзорлардан нектар ташийдилар. Ҳали уни бол дейиш қийин; нектар томчисини гул чангига обдон аралаштиргандан кейингина асал пайдо бўлади. Бу юмушни эса тунда бажаришга тўғри келади. Бундан ташқари, минглаб мумкатаклар тайёрлашга тўғри келади; хонани тозалаш, жиҳозлаш, шамоллатиш, ҳарорати-ни мўътадил қилиш, ёш ариларга қараш... эҳ-ҳе, чеки йўқ юмушлар. Шунинг учун ҳам Онабоши ишчи ариларнинг муттасил кўпайиб туришини истайди.

Аммо улардан ҳам огоҳ бўлиб туриш керак. Нимадандир норози бўлиб қолишса, дилсиёҳликларни бошлаб юборишади. Жумладан, оилада янги малика пайдо бўлса, ариларнинг бир қисми ўша томонга ўтишади — тарафкашлик бошланади.

Ёдида: унинг ўзи ҳам худди шу алпозда ҳокимиятга эришганди. Ўшанда у мумкатакдан бош кўтариб чиқиши билан, ариларнинг бир қисми унга мойил бўлишди. Кампирнинг мижғовлиги, инжиқлиги, иш талаб қилган ҳолда, асалнинг баракасини учириши жонларига тегиб кетган бўлса ажаб эмасди уларнинг.

Ўшанда кекса Она асалари усталик қилиб, муроса йўлини танлаганди: ўзига содиқ мулозимлар, ариларни эргаштириб, оилани тарк этмоқчи бўлди. Қолган умрини бирор гўшада ҳаловат билан ўтказиш мумкин эди. Аммо навқирон ва соҳибжамол маликага сотилган, унинг фармони билан иш тутишга ўтган соқчилар йўлини тўсишди...

Эрталаб индан хабар олган асаларичи янги ёш маликани кўриб қувонди.

— Ие, янгилик-ку! Бечора кампиршони нима қилдиларинг?

Кампирнинг қисматини у биларди. Хўжайиннинг нигоҳларида ачиниш ҳам, мамнунлик ҳам зоҳир эди. Бу — табиий ҳол: собиқ Она асалари кўп йиллар садоқат билан хизмат қилди, унинг раҳбарлигида анчагина асал олинди. Аммо у кексайиб ҳам қолганди — кўп тухум қўёлмас, сўзи бошқа, иши бошқароқ бўлиб қолганди. Оилага эса ишчан, талабчан, навқирон малика зарур эди. У дастлабки кунлари оила ҳаёти билан танишди, иноқлашди, режалар тузди. Кейин эса ғайрат билан ишчиларни кўпайтиришга киришди. Дастлаб асаларичига сидқидилдан эътиқод қўйди. Аммо кузга келиб, ундан ҳафсаласи андак пир бўлди: чунки у, арилар йил бўйи не-не машаққатлар ила тўплаган болни ўта ҳарислик ила тортиб олди; лоақал чорагини ҳам қолдирмади, ноинсоф. Қаршилик кўрсатмоқчи бўлган арилар нобуд бўлди. Рўзғорда нохушлик, норозилик бошланди; у аросатда қолди: бир ёқда хўжайин, бир томонда арилар... Шукрларки, хўжайин пича инсофга келди: эртаси шакардан қиём тайёрлаб, арихонага қўйди. Бу қиёмда асалнинг таъми, кучи, ҳиди бўлмаса ҳамки, қишловга етадиган озиқни кўриб таскин топишди.

Эҳ, хўжайин, хўжайин. Уни тушуниш осон эмас. Гоҳида меҳрибон, гоҳида ҳарис. Баъзан зараркунанда каналарни қиради, ариларни янги гулзорларга кўчиради. Лекин-аммо... Аввалари асални олиш билан қаноатланарди. Энди бўлса прополисни ҳам пичоқ қиртишлаб олади. Охирги пайтда катаклар тубидаги асалари сутига ҳам кўз олайтирадиган бўлган. Ана шу сут бўлмаса, тухумлар соғлом вояга етмаслигини у яхши билади. Кўра била туриб, навқирон авлоднинг насибасини қирқиш инсофданми?!

Одамлар прополис билан асалари сути оғир дардларга даво эканлигини билиб қолишгандан бери аҳвол шу.

Ана, эркак арилар маликани қуршовга олиб, аввалданоқ кўз остига олиб қўйилган гулзор томон йўл олишди. Базм бошланди. Маст ва беғам эркакларнинг қийқириғи авжига чиқди. Бу хушчақчақ кайфият, ҳа демай, она асаларига ҳам юқди ва беихтиёр базмга жўр бўлди.

Улар инга қайтишганда, шом қўнабошлаган эди. Салтанат соҳибаси оилани тағин бир бор кўздан кечириб чиқди — ҳаммаси жойида эканлигини кўргач, аста хобгоҳ томон равона бўлди.

Нусрат РАҲМАТ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

ХУМОРМАН МУҲАББАТ ИФОРЛАРИДАН

Азим СУЮН

Эй дўст!
Гулсиз мева тугар анжир дегани,
Ёр гулсиз бўлса ҳам бир келса қани?
Чечакни елкада туттан қоядек,
Бошимга кўтариб юрардим уни.

Эй дўст!
Тунда чорлагандик биз ёримизни,
Кўздан ниҳон тутиб хуморимизни.
Ёр чиққач, о, зулмат кетди ёришиб,
Ошкор қилиб қўйди асроримизни.

Эй дўст!
Юрса йўли ёруғ, турса — дил-кўнгли,
Умри — дарёларда оқмас бесамар,
Уйғоқ туриб тушлар кўрмас, кимгаки —
Севиш ва севилиш саодати ёр.

Эй дўст!
Оламда бормикин сиздан гўзалроқ,
Оламда бормикин биздан гўзалроқ.
Кўзимиз кўзгудир, бас, кўрмадик биз
Ҳеч кимсани гўзал қиздан гўзалроқ.

Эй дўст!
Бир боқмас бу гулрў, ҳар кун шу сазо,
Қайси бир гуноҳим учун бу жазо?
Тўярми ошиқлар хилхонаси, айт,
Тағин бир ошиққа етса гар қазо?

Эй дўст!
Бир қошиқ туздирман, таом бўлмасман,
Бир жонга арзирли инъом бўлмасман.
Лекин ёр таоми менсиз бўлмагай,
Пок дастурхонида тамом бўлмасман.

Эй дўст!
Кўрдимки, бул кеча тонгда уйғониб,
Ёр юзи оташдай турарди ёниб.
Дедим: "Атиргулдай чўғланмоқ нечун?"
Деди: "Атиргулим сув ичган қониб".

Эй дўст!
Бу Заминга сиғмай қолдик, кетамиз,
Олис сайёрани макон этамиз.
Унда биз орзулар қилган жаннат бор,
Лекин ёр бўлмаса, айттил, нетамиз?

Эй дўст!
Овчига сўзлайди жонзотлар изи,
Мунажжимга сўзлар тунлар юлдузи.
Не сўзлар экан деб оғзин пойлама, —
Бу жононнинг менга сўзлайди кўзи.

Эй дўст!
Боғсупада ухлаб қолибди бир қиз,
Ёйилиб оқибди — сочлар жамалак.
Ҳайратдан тек қотдим: ғунча лабига
Қўниб бўса олар битта капалак.

Эй дўст!
Бир гулга ари ҳам, чибин ҳам қўнар,
Капалак, болари бол эмиб жўнар.
Кўча санамлари ўхшар шу гулга,
Қисматин ўйласам, юрагим тўнар.

Эй дўст!
Аёл қалби чексиз сирлар уммони,
Тугал билмоқ насиб бўлмагай они.
Гоҳо дур ахтарсанг, тош бўлиб чиқар,
Тош кутганингда дур тутар жони.

Эй дўст!
Тикка жарнинг ўртасида очилган бир гул,
Кўзларимни қувонтирар, кўнглимга мақбул.
Дилозорим олиб беринг дея нозланар,
Олиб берай десам, менда жуда калта қўл.

Эй дўст!
Бедорман дунёнинг бедорларидан,
Беморман дунёнинг беморларидан.
Улардан аслимнинг айтсам фарқини,
Хуморман муҳаббат ифордаридан.

Эй дўст!
Чўл чечагин ўз нози бор, ўз саси бор,
Боғ қиёғин ўз бўйи бор, ўз басти бор.
Барчаси бир гул-да, дединг, йўқ-йўқ, дедим,
Бир-бир исла, барчасининг ўз иси бор.

Эй дўст!
Жон ороми, тан ороми сайру саёҳат,
Дил покиза, тил покиза, руҳда нур, қувват.
Ёрингни йўлдош этиб олгил ёнингга,
Улар роҳат-фароғатин беролмас жаннат!

Эй дўст!
Ҳилол каклик паррандалар дурдонаси,
Балки шундан юксак тоғда юртхонаси.
Ёримизни кўтардик биз бошга доим,
Чунки унинг нурдайин пок хобхонаси.

Эй дўст!
Ёр қора сочларин сачратиб тол-тол,
Орқага бир силкиб ташлаганда дол,
Айтсам ишонмайсиз, шўрлик юрагим
Бир зум тўхтаб қолиб, сўнг урар алҳол.

Эй дўст!
Саркаш кўклам эди, мен ва ёр — икков,
Бир қирда турардик елвагай, лов-лов.
Ёмғир ёғиб берди, ёрга қарадим,
Ёмғирда ёнарди гулбадан — олов.

Эй дўст!
Балоғат нишони муҳаббат эрур,
Қўй, уни излама, у ўзи келур.
Боғдан тошиб чиқди бир гала қумри,
Бири тилло эрур, бири гавҳар, дур.

Эй дўст!
Зардоли оғочин чўғи ўчоқда.
Ёр юзи ловуллаб турар қучоқда.
Вужудим икки ўт орасидадир,
О, аммо, билмайман, жоним қаёқда?

Эй дўст!
Дарё бўйларида гуллади юлғун,
Сафсарранг, пуштиранг, гулбадан, гулгун. —
Висолхона эрур ёр — иккимизга,
Диллардан ечилди ҳижронли тугун.

ЙИЛЛАР КЕРАК, ДИЛЛАР КЕРАК



Турсун МУҲАММАД

ЮЛДУЗ

Сўнгсиз хилқат, ипсиз беланчак,
Чарх атоғлиқ мўъжиза юлдуз.
Мавжуд экан азал ва абад,
Хизматдадур кечаю кундуз.

Қобиғида турфа мавжудод,
Жамисида турфа тушунча.
Ёзуғида бунёд ва барбод,
Боқий эмас, дунё тургунча.

«Бир ёруғлик йили»да ҳайҳот,
Рақам етмас мавжудод яшар.
Давомийдир бунёд ва барбод,
Буни дерлар ўткинчи башар.

Бунёд чоғи ғимирлаб тинмас,
Ҳақни англар ҳар ким ўзича.
Кимдир ҳушёр, кимдир ўтар маст,
Иқбол топмас игна кўзича.

Ана шундан бу ғувур дунё,
Ўз-ўзига бериб келар зеб.
Ана шундан ўтармиз ғўё,
«Мукаммал бахт — афсонадир» деб.

Ана шундан азал ва абад,
Ғаму шодлик талашади туз.
Энг пок хулққа мойил экан бахт,
Десак арзир, бу буюк юлдуз!

БАЛАНД ДАРАХТ

Баланд дарахт бўлмоқ учун йиллар керак,
Руҳи тоза, чин вафодор диллар керак.
Дил соғинар Шамси Қамар бўлмоқ учун,
Елка тутар турфа аҳил эллар керак.
Йиллар керак, диллар керак, эллар керак,
Ҳақ, ноҳақни фарқ эттувчи кенглар керак.

Нур бермаса Шамс, Қамарни севармидик?
«Мен» деганга «мен» дейдиган тенглар керак,
Баланд дарахт бўлмоқ учун йиллар керак.

ҲИНД КУЙЛАЯПТИ...

Гулдирама момақалдироқ,
Шошма шамол, ҳинд куйлаяпти.
Чақинингни чақмай тур, чақмоқ,
Ҳинд куйлаяпти, дил ўйнаяпти.
Қўрқма оҳу, бўлма жонсарак,
Сайёд мени мўлжаллаяпти.
Чарх созига тўйинсин юрак,
Ҳинд куйлаяпти, дил ўйнаяпти.
Юрак, уйғон, кўравермай туш,
«Со...ни о...» деб ҳинд куйлаяпти.
Куйлар ғўё ярадор оққуш,
Ҳинд куйлаяпти, дил ўйнаяпти.
Со...ни о...
Со...ни о...
Со...ни о...о...о...о...о...
Ҳинд куйлаяпти...
Дил ўйнаяпти!

УМР ЎТКИНЧИДИР, ХОТИРА БОҚИЙ...

Суратлар тарихдан, тақдирдан сўзлайди. Ҳар бир суратда бир инсон умрининг маълум лаҳзалари муҳрланган бўлади. Айниқса, тарихий шахслар қиёфалари билан боғлиқ суратларга кўзингиз тушса, уларда юртимиз тарихининг бирор ўчмас саҳифасини ўқигандек бўласиз.

Ушбу суратда ҳам санъатимиз зарварақларидан жой олган икки йирик ижодкор — рақс салтанатининг маликаси Мукаррам Турғунбоева ва машҳур балетмейстер Исаҳор Оқиловнинг айни камолот палласидаги қиёфалари акс этган.

ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Бугун нашрларнинг турида ҳам, сифатида ҳам юксалиш кўзга ташланади. Бу, биринчи навбатда, мустақиллик шарофати. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-ижтимоий, илмий-адабий нашри ҳисобланган «Ҳидоят» журнали ҳам истиқлол аталмиш улуғ неъмат маҳсули. Тан олиш керак, сондан-сонга журнал мундарижаси бойиб, дизайни мукаммаллашиб боряпти. Журналнинг яқинда нашрдан чиққан 7-8- сонлари ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

«Ҳидоят» илм-маърифат тарғибига алоҳида эътибор қаратмоқда. 7-сони муқовасида «Илм



ўрганиб, уни бошқаларга ўргатмаган бойликни кўмиб, ишлатмаган кишига ўхшайди» мазмунидаги ҳадис берилгани, журнал адабиётшунос Баҳодир Каримнинг «Одамнинг қуёши илм...» сарлавҳали мақоласи билан очилгани ҳам бунинг далили. Бугина эмас. Журналда «Ота-онани ҳурматлаш», «Севги нима?», «Мусибатдаги сатр», «Бемор кўриш одоби» каби масалалар бугунги ёшларга ибрат бўларли тарзда таъсирчан ёритилган.

«Ҳидоят» мамлакатимиз тарихи ва адабиётига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. 7-сонда Алихонтўра Соғунийнинг «Туркистон қайғуси» китобига тақриз берилгани, Абдураззоқ Самарқандийнинг машҳур «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асаридан Самарқанд султони Шоҳрух Мирзо ва Хитой подшоҳи Дой Минг муносабатларига оид парча эълон қилингани, замонавий шоирларимиз асарларига кенг ўрин берилгани бунинг исботидир.

«Ҳидоят»нинг мустақиллик байрамига бағишланган 8-сони Муҳаммад Сиддиқнинг «Эрта учун ҳозирлик» мақоласи билан очилади. А.Жўраевнинг «Жаҳолатни

маърифат йўқотади» мақоласида террор, қўпорувчилик, ўз жонига қасд қилиш каби иллатлар илдизи жаҳолат экани, бу иллатларга фақат маърифат орқали барҳам бериш мумкинлиги хусусида сўз юритилади.

«Хожа Аҳрор Валий», «Қосим Шайх Азизон» мақолаларида ислом маърифати юксалишига катта ҳисса қўшган мазкур мунаввар зотлар ҳаёт йўли, уларнинг авлодларга ибрат бўларли илмий мероси ҳақида кўпчиликка маълум бўлмаган янги маълумотлар берилган.

«Калвак Маҳзум ҳамон хуноб» суҳбат-мақоласи китоб, кутубхона, китобхон мавзуига бағишланган.

Журналнинг ҳар бир сонида муттасил бериб борилаётган «Ислом ва олам» рукнида ислом маърифатига дунё халқларининг қизиқиши, мавзуга оид жаҳон матбуоти янгиликлари ўрин олган.

Умуман, «Ҳидоят»нинг ушбу икки сони таҳририятнинг журнал мухлисларига муносиб тухфаси бўлган, дейиш мумкин.

ДОИМИЙ ҲАМРОҲ

Мен севиб яшадим,
севиб яшадим
Орзулар изидан
қувиб яшадим...

Абдулла Матёқубов бир шеърида ўз ҳаёти ва орзу-умидларини шундай жозиб ва самимий ифодалаган...

Албатта, умр фоний, дунё ўткинчи. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда: «Бу гулшан аро бақо гулиға йўқ сабот...». Бироқ саховат ва эзгуликка йўғрилган умр, истеъдод, илмий ижод ва маърифат абадиятга дахлдордир. Адабиётшунос ва шоир Абдулла Матёқубов ҳаётдан эрта кўз юмди. Бу дилкаш, самимий ижодкордан мағзи тўқ илмий мақолалар, ўнлаб шеърлар қолди.

Яқинда чоп этилган «Мен севиб яшадим» номли китобга Абдулла Матёқубовнинг турли йилларда ёзган шеърлари жамланган. Ватанни шарафловчи, садоқат ва вафони тараннум этувчи, улуғ аждодларнинг ибратли ғайрат-шижоатларини тарғиб қилувчи бу шеърлар бугунги китобхонлар қалбида акс-садо бериши тайин. Одамлар дардига дардкаш бўлиш, келажакка порлоқ ишонч билан яшаш, бир зум бўлсин ҳаракатдан, меҳнат қилишдан чекинмаслик — тирикликнинг кундалик ва айни пайтда доимий ақидалари шоир шеърларида таъсирчан жаранглайди.

«Мен севиб яшадим» тўпламига академик Матёқуб Қўшжонов сўзбоши ёзган. Китобдан, шунингдек, Абдулла Матёқубовнинг турли йилларда ёзган адабий танқидий мақолаларидан намунлар ҳам киритилган. Нашр масъул муҳаррирлари Абдуқодир Ниёзов, Нусрат Карим.

ИККИ ОҒИЗ ДИЛ СЎЗИ

«МАҚТАСАНГ, ИНСОН ДЕБ МАҚТАГИЛ...»

Эл назарига тушган олима, шоира Ҳанифа Солиҳова ижоди ва илмий фаолияти мутахассислар эътирофини қозонган. У Андижон Давлат университети профессори, филология фанлари доктори, талаба ёшларнинг севимли муаллимасидир. Унинг орзу-умидлари содда ва самимий, кўзлаган мақсади нурли ва беғубор. Бир сўз билан айтганда, у Ватан ошиғи, табиат шайдоси. Шеърлари баландпарвозликдан ҳоли.

Менинг умрим ўтиб борар
йиллар кетидан,
Янги-янги орзуларга
ўраб дилимни.
Ватан деган гўзал
юртнинг ўпиб бетидан,
Ҳар дақиқа қуйга солай
туркий элимни.

Шоиранинг болалик йиллари Тангритоғ этакларида, Торим дарёси соҳилларида, бетакрор табиатли Қашқар ўлкасида ўтган.

Икки булоқдан сув ичган, икки қадимий халқ — уйғурлар ва ўзбекларнинг урф-одати, кечмиши ва истиқболини куйлашга ҳаракат қилган шоиранинг биринчи шеърий тўплами — «Севги сирлари» 1971 йили Олмаота шаҳрида

Ҳанифа Солиҳова аввал Тошкент Давлат университетида, кейин Андижон Педагогика (ҳозирги университет) институтида сабоқ олди. Машҳур шоираларимиз Зулфия ва Саида Зуннуновалар этагидан тутди. Уларга эргашиб, шеър ва ғазаллар битди. Шоиранинг болалиги ўтган Урумчида боғлар кўп бўларди. Сайроқи қушларни айтмайсизми? Эрта саҳарда булбул наволари, қумриларнинг «бижир-бижир»и, каккуларнинг ўзига хос «мусобақа»си ҳаммаёқни тутиб кетарди. Улар ҳам ўз тилларида қўшиқми, шеърми айтишарди шоира назарида. Ҳанифа мактабдан қайтаётиб, табиатнинг ажиб тароватидан роҳатланиб кетарди. Унинг назарида, қизариб-бўзариб ботаётган қуёшда ҳам, виқор-ла турган Тангритоғда ҳам, тўлғониб-тўлғониб оқаётган Торим дарёсида ҳам ажиб бир маъно бордек туюларди. Балки бу мурғак қалбда жўш ураётган шеърият туғёнларидир? Эҳтимол...

Балки бу оддий ҳавасдир,
Мен ҳам бир умидни
кўнглимга тугиб,
Илҳом дулдулига
миндим ҳавасда.
Кечалар қоғозга
юрагим тўкиб,
Мисралар тузаман
ғафлатга қасдда.

Ҳанифа Солиҳованинг адабиёт майдонида танилишга Андижон адабий муҳити ҳам баракали ҳисса қўшди, дейиш мумкин. Бу юртда у атоқли олим ва шоирлар Ҳошимжон Раззоқов, Восит Саъдулла, Улфатлардан сабоқ олди, Олимжон Ҳолдор, Тўлан Низом, Исмоил Тўлак, Ҳалим Карим каби замондошлари билан ҳамоҳанг ижод қилди. Шоира ижоди вақт ўтган сари такомиллашиб борди. У замондоши дардини, ҳақ-ҳуқуқини юракка яқин, чин сўз билан куйлашга интилди.

Яшайман дўстларга,
элга ҳамнафас
Мақтасанг инсон деб
мени мақтагил, —

мисралари ҳам ушбу фикрни қувватлайди.

Ҳанифа Солиҳова шоира бўлиши билан бир қаторда олима ҳамдир. У илмда ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Ҳазрат Навоий ижодининг уйғур адабиётига таъсири бобида яхшигина тадқиқот олиб борди. XX аср бошларида ижод қилган, нисбатан камроқ ўрганилган Ҳайратий, Оразий, Сўфизода каби ижодкорлар ҳаётини, уларнинг ижодий муваффақиятларини мухлисларга танитди.

Адабиётимиз жонкуярларидан бирига айланган шоира ва олима Ҳанифа Солиҳова ҳамон бардам, баракали ижод билан машғул. У университетда талаба ёшларга сабоқ бериш баробарида, дилтортар шеър, ғазал ва достонлар яратиш ишқи билан яшаётир. Шу иштиёқ, шу баркамоллик унга доимий ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.

Шокиржон МАҲМУДОВ,
АДУ ўқитувчиси

ФОЗИЛА ОПАМИЗ

Пойтахтимиз марказидаги саранжом-саришталли, дид билан безатилган уйда мамлакатимизнинг энг ҳурматли олималаридан бири, фидокор аёл Фозила опа Сулаймонова билан кўп-кўп суҳбатлашиб баҳра оламиз. Бу файзли хонадон шу сулоланинг асосчиларидан профессор Ҳамид Сулаймон номли кўчада.

Бу атоқли олимни танимаган ўзбек топилмаса керак. Узоқ йиллар шу улуғ инсонга ҳамнафас бўлган, энг сурурли ва ғамли дамларни баробар кечирган, шу билан бирга, ўзбек адабиётшунослигига салмоқли ҳисса қўшган филология фанлари доктори, профессор Фозила Комиловна Сулаймонова бу йил 85 ёшга кирдилар.

Таниқли олима, Ғарб ва Шарқ бўйича йирик мутахассис Фозила Сулаймонова 1919 йил сентябр ойида Марғилон шаҳрида туғилган. 1937—1941 йиллар давомида Тошкент давлат педагогика институтида (ҳозирги ТДПУ) таҳсил олди. Меҳнат фаолиятини Тошкент давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) ўқитувчиликдан бошлаган олима бу ерда 1960 йилгача ёшларга таълим берди. 1960 — 1967 йиллари эса Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим, кейинчалик Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида катта илмий ходим бўлиб ишлади. 1978 йилдан 1998 йилгача Қўлёзмалар институтида катта илмий ходим лавозимида хизмат қилган. Ҳозирда Ўзбекистон РФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида етакчи илмий ходим вазифасида ёшларга устозлик қилиб келмоқда.

Профессор Ф.Сулаймонова мамлакатимизда чет эл адабиёти, Марказий Осиё, жумладан, ўзбек халқи маданияти, илм-фани ва адабиётининг Европа мамлакатларига таъсири муаммосини тадқиқ этган ягона мутахассисдир. У Европа адабиёти тарихи мутахассиси сифатида ««Люсьен Левен» Стендаля», «Шекспир Ўзбекистонда» каби монографиялар, умумий ҳажми 30 босма табоқдан ортиқ илмий мақолаларини «Ўзбек қомуси»да чоп эттирган. Сўнгги 25-30 йил давомида олима Европа халқлари маданияти, илм-фани ва адабиётининг шаклланиши ҳамда ривож топиши Шарқ, асосан, миллий маданиятимиз таъсирида амалга ошгани, антик даврлардан бошланиб, айниқса, ўрта асрларда авжга чиққанини фактлар асосида исботловчи илмий мақолалар ва монография яратди. «Шарқ маданияти ва Данте», «Ибн Сина и Европейская наука», «Испанияда Шарқ маданияти ва унинг Европага таъсири», «Восток и Запад: пути и перепутья», «Ислом ва илм» ҳамда XIII — XIV асрлар давридаги маданиятимиз, айниқса, Хоразмий, Форобий, Ал-Фарғоний, Беруний, Ибн Сино каби буюк аждодларимиз, адабиётимизнинг Европага таъсирини ёритувчи «Шарқ ва Ғарб» монографиясини чоп эттирди.

Бундан ташқари, олима мумтоз адабиятимиз ва санъатимиз тадқиқотчиси сифатида ҳам маълум. У Алишер Навоийнинг эълон қилинмаган шеърларини жамлаб нашр эттирган. Профессор Ҳ.Сулаймонов билан ҳамкорликда тайёрлаган Низомий, Хусрав Деҳлавий асарларига ишланган миниатюралар албоми дунё юзини кўрган бўлса, кейинчалик, олиманинг меҳнати самараси ўлароқ Навоий асарларига ишланган миниатюралар албоми алоҳида нашр қилинди.

У умр йўлдоши, марҳум профессор Ҳамид Сулаймоннинг битмай қолган ва режалаштирган манбашунослик, ноширлик ишларини ҳам амалга оширди: фанимиз ва илмий жамоатчилик учун тамоман янги топилма бўлмиш Ҳофиз Хоразмий «Девон»ини нашрга тайёрлаб, чоп эттирди. Алишер Навоий куллиётининг жилдларини «Хазойин ул-маоний»нинг янги топилган икки қўлёзмаси асосида нашрга тайёрлаб, чоп эттирди; «Навоий асарларига ишланган расмлар», «Амир Хусрав Деҳлавий асарларига ишланган расмлар», «Низомий «Хамса»сига ишланган расмлар» албомларини нашр қилдирди. Навоийнинг расмий девонларига кирмаган юзга яқин шеърларини аниқлаб, алоҳида китоб ҳолида улуғ шоир мухлисларига тақдим этди...

Олима икки ўғил ва бир қизга меҳрибон она ҳамдир. Ўғли профессор Рустам Сулаймонов таниқли тарихчи олимдир.

Ф.Сулаймонованинг кўп йиллик меҳнатлари муносиб тақдирланган. У «Соғлом авлод учун» (1994), «Буюк хизматлари учун» (1999) каби давлатимиз орденлари ва Франциянинг «Академия палмаси» ордени (1994) билан мукофотланган.

Биз, кўп йиллардан бери исми ҳаёт йўлига монанд устоз олимамиз профессор Фозила опа Сулаймонова билан бир жамоада меҳнат қилиб келаётганимиздан фахрланамиз ва муҳтарама опамизга мустаҳкам соғлиқ, илмий фаолиятларида янада комиллик тилаб қоламиз.

Саидбек ҲАСАНОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Юсуф ТУРСУНОВ,
филология фанлари номзоди,
Отабек ЖЎРАБОЕВ,
филология фанлари номзоди

Ўтган асрдан буён халқимиз севиб ўқиётган китоблар орасида Чўлпон асарлари алоҳида ўрин тутади. Яхши асар китобхонга қанчалик кучли таъсир қилса, унинг муаллифини яқиндан билиш иштиёқи шунчалик ортади. Айниқса, Чўлпоннинг ўн олти ёшларидаёқ эл оғзига тушган ёркин истеъдоди, чоризм ва большевизм зулмига қарши курашда кўрсатган жасоратлари, Пушкин ва Шекспир асарларига қиёсланган дурдона асарлари, уларни ёзганлиги учун даҳшатли қулфатларни бошдан кечирганлиги, ниҳоят, халқимиз озодлиги учун жонини фидо қилиб ҳалок бўлганлиги — ҳаммаси биргаликда миллий ифтихор туйғусига муносиб тарихий сиймони кўз ўнгимизда гавдалантиради.

Пиримқул ҚОДИРОВ

ҚАҲРАМОНОНА ҲАЁТ ВА ИЖОД КЎЗГУСИ

Чўлпон ўзбекларнинг суюкли шоирига айланганига саксон йил бўлаётир. Шу улкан давр мобайнида унинг ижоди ва фаолияти холисанилло тадқиқ-талқин этилиб, муносиб баҳосини олганда эди, Чўлпонга хос буюк истеъдод, адолат учун курашдаги довюраклик, ўлим хавфларидан тап тортмай, замона золимларининг юзига ҳақ сўзни рўй-рост айта олиш жасорати бутун-бутун авлодларнинг қалбига сингиган ва миллионлаб ёшларда жасурлик, миллий ғурур, фидойилик каби фазилатларни тарбиялаган бўлар эди.

Бу фазилатлар халқимизга, айниқса, ёш авлодларга жуда зарур. Мустамлака зулмига қарши бориб, миллий истиқлол учун мардона курашган Чўлпон ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиб, ҳар томонлама тарғиб қилиш, унинг ноёб хислатларини китобхонлар қалбига етказиб бериш бугунги адибу олимлар олдида турган энг муҳим вазифалардандир.

Мустақиллик йилларида Чўлпонга бағишланган яхши рисолалар, мақолалар, кўпгина эсдаликлар босилди. Энди бу ишларни мантиқан давом эттириш ва Чўлпон сиймосини бор бўйича гавдалантириб кўрсатадиган



йирик асарлар яратиш пайти келди.

Наим Каримовнинг «Шарқ» матбаа концерни томонидан жозибали қилиб чоп этилган «Чўлпон» маърифий романи мана шу ҳаётий эҳтиёжга жавобан яратилган.

Одатда, адабиётшунос олимлар «талантли» деган сўзни ёзувчиларга нисбатан кўп ишлатадилар, аммо ёркин илмий тадқиқотлар яратган олимларга нисбатан бу сўзни татбиқ этишдан, алланечук, ийманадилар. Ҳолбуки, талантнинг турлари кўп. Шулардан бири — илмий-тадқиқот бобидаги талант эканлиги Наим Каримовнинг ушбу китобида бот-бот кўзга ташланиб туради.

Китобнинг дебочасида Чўлпоннинг қуйидаги икки сатри келтирилади:

Хаёл, хаёл... ёлғиз хаёл гўзалдир...
Ҳақиқатнинг кўзларидан қўрқаман.

Довюрак шоир ҳақиқатнинг ўзидан эмас, кўзларидан нега қўрқишини муаллиф ҳам илмий, ҳам бадиий таҳлил ёрдамида яхши очиб беради. Чўлпон «ҳақиқатнинг кўзлари» деб образли қилиб айтган нарса — шоир яшаган ва, пировардида, уни ямлаб ютган шафқатсиз даврнинг қонсираган кўзлари, интиҳосиз қирғин-қатағонларда ҳалок бўлаётган бегуноҳ инсонларнинг оҳу фиғонига, дарду аламига тўлган даҳшатли замонанинг нигоҳлари эдики, тирик жоннинг улардан сесканмай иложи йўқ эди. Роман муаллифи бу ҳодисани ҳам илмий, ҳам бадиий ҳақиқат тарзида жонлантириб кўрсатади.

Муаллифнинг Чўлпонга аталган меҳру оқибати романнинг бошидан охиригача сезилиб туради. Шу меҳру оқибат ҳужжатлар асосига қурилган маърифий асарга ажиб бир иликлик бағишлайди. Китобнинг фасллари Чўлпон кашф этган «Уйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари», «Қор қўйнида лола» каби гўзал номлар билан аталгани ҳам бежиз эмас. Бу номлар ёрдамида муаллиф Чўлпон ҳаёти ва ижодининг муайян босқичларини образли тарзда ифодалайди.

Салкам бир асрдан буён тилларда достон бўлиб келаётган Чўлпоннинг қандай маърифатли оилада туғилиб ўсганлиги, унинг шахсий ҳаёти қандай кечганлиги, севгида гоҳ бахтиёр, гоҳ бахтсиз аҳволларга тушганлиги, энг машҳур асарларининг ҳаётий асослари ва ёзилиш сабаблари — ҳаммаси муаллиф томонидан аниқ фактлар, эсдаликлар, ҳужжатлар ёрдамида кўрсатиб берилади. Жумладан, «Сомон парча» шеъри кўп шов-шувларни келтириб чиқаради. 1923 йили ёзилган бу шеърда Чўлпон кураш йўлидан қайтгандек кўринади:

Муҳит кучлик экан, эгдим бўйнимни,
Чақмоқдек ялтираб учиш йўқ энди.
Муҳит гирдобида бир сомон парча,
Бир похол чўпидек оқиб бораман.
На исён, на тўлқин, на тўфон, на ўт!
Кўзимда оғир бир таслим нури бор.
Кирмайман кўчанинг боши беркига,
Чунки таслим бўлдим муҳит эркига.

Бу шеърнинг ёзилиш сабаблари Чўлпоннинг шахсий, оилавий ҳаёти билан боғлиқ бўлган. Бир неча йил Тошкент ва Бухорода улкан тарихий воқеалар гирдобида сузган Чўлпон биринчи муҳаббатига сазовор бўлган Обида исмли суюклиги билан ажралишади ва эзилган, ҳорғин аҳволда Андижонга қайтади. Бу орада унга ажойиб эртаклар айтиб бериб, вояга етказган меҳрибон бувиси оламдан ўтган бўлади. Чўлпоннинг онаси кўзига ёш олиб гина қилади:«Бувинг ўлганда келмадинг, сени кўтариб катта қилган эди, ўлсам тобутимни кўтаради деб юрарди... Меҳрсиз бўлиб кетаяпсан! Ота-онангни ҳам унутасан!..»

Онанинг йиғлаб айтган гаплари Чўлпонга қаттиқ таъсир қилади. Ота-она ва меҳрибон сингиллар уни тўфонли даврнинг бало-қазоларидан асраш учун ҳам туғилиб ўсган жойида оила қуриб, яшашга қўндирадилар. Уни Солиҳа исмли гўзал қизга уйлантирадилар. 25 ёшли Чўлпон бир қанча вақт бу қизнинг муҳаббатидан ўзини бахтли сезади.

Лекин ижод осмонида чақмоқдек учган онлари, исёнлар, тўфонлар, ўтоловлар ичида яшаган кечаги кунлари хаёлидан нари кетмайди. Наҳотки, у ҳам оддий бир куёв йигитдек суюкли оила боғрида яйраб яшай олмаса? Йўқ, шоирлик истеъдоди унга тинчлик бермайди. Ҳозирги ҳолатини кундалик дафтарига шеър қилиб ёзиб қўяди. Қўқонга дўстлар ҳузурига борганда бу шеър ошкор бўлади ва «Фарғона» газетасида чоп этилади. Эҳтимол, бу шеър билан Чўлпон «Мени энди тинч қўйинглар, мен ҳам сокин бир оилавий ҳаёт кечирай» демоқчи бўлгандир. Бироқ «Сомон парча» номли гўзал шеър газетада чоп этилгач бутун жумҳуриятга тарқалади. Романда келтирилган ҳаётий далиллар Чўлпоннинг оила муҳитига бўйин эгганидан, ота-она ва суюкли ёрнинг ҳақли талабларига таслим бўлганидан далолат беради. Аммо шеърда бу нозик оилавий сир очилмайди. Натижада «Сомон парча» шеъри Чўлпоннинг шўролар яратган адолатсиз муҳитга таслим бўлганидан далолат бергандек таассурот туғдиради ва унинг истиқлолчи дўстларини хавотирга солади. Чўлпоннинг «Тонг сирлари» шеърий тўпламига яхши бир бошсўз ёзган, уни доим қўллаб-қувватлаб юрадиган Абдулла Қодирий «Муштум»да «Чин дўст» имзоси билан қуйидаги ҳажвияни эълон қилади:

«Машҳур шоирларимиздан ўртоқ Ч. Тошкентдан Фарғонага боришда Худонинг қудрати билан сомон парча бўлиб қолғон.

... Бали, шоир афанди...

Энди ул муҳитга шира каби қатиқ ёпишингким, то шамол сизни иккинчи учира олмасун ва дарёга отмасун».

Устоз адибнинг шоир дўстига ҳадди сиғиб айтган ҳажвий сўзидан Чўлпон хафа бўлмайди. Уларнинг буюк мақсад йўлидаги қадрдонлиги умрларининг охиригача давом этади.

Тақдир Чўлпонни тинч бир оилавий ҳаёт учун яратган эмас экан. Унинг Солиҳа билан қурган турмуши ҳам узоқ давом этмай бузилади. Чўлпон уч марта уйланади, аммо фарзанд кўрмайди. Тақдири азал уни бу жиҳатдан чеклаб қўйиб бутун кучи, бор истеъдодини фақат ижодга ва озодлик учун курашга сарфлаш имконини беради.

Чўлпон бу имкониятдан мисли кўрилмаган бир ғайрат, шижоат ва фидойилик билан фойдаланади. Чўлпон миллий истиқлол учун мардона курашган Мунаввар қори, Беҳбудий, Фитрат каби улуғ сиймолар билан елкама-елка туриб, энг мушкул вазиятларда ҳам халқимизни мустамлакачилар зулмидан ҳимоя қилади.

Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғилгансен! —

деган отошин сатрлар билан ватандошларини озодлик учун курашга чорлаганлари асарда ёрқин мисоллар орқали кўрсатиб берилган.

Мустабид тузум малайлари Чўлпонга қарши аёвсиз ҳужумлар уюштирадилар, уни ваҳшийларча хўрлаш ва ҳақоратлаш йўлига ўтадилар. Лекин кўпчилик Чўлпонни севади. Ана шу кўпчиликнинг ёрқин вакили бўлган 22 ёшли ёш шоир Ойбек «Кўп суюкли шоиримиз Чўлпонга» деган бағишлов билан қуйидаги жўшқин сатрларни матбуотда эълон қилади:

Куйлар юксалди — кетди,
Тонглар кўзидан учди.
Ёш кўнглим қанот қоқиб,
Най куйин қувди — кетди.

Қидирдим, топдим ортиқ,
Шу онда кулди борлиқ.
Унга синиқ кўнглим-ла
Кўз ёшларимми тортиқ?

«Чечаклар унгуси кўз ёшларимдан» деб башорат қилган Чўлпонга Ойбек ёзган шеърда ана шу чечакларнинг ҳаётбахш нафаси янги куч, янги илҳомлар бахш этганини тасаввур этиш мумкин.

Роман муаллифи мустабид шўро тузумининг югурдаклари Чўлпон атрофида йирткич қузғунлардай пайт пойлаб юрганларини, НКВДнинг хуфя айғоқчилари гоҳо шогирд ёки ҳамюрт қиёфасида унинг даргоҳига келиб гап ўғирлаганлари, кейин шоирнинг исёнкорона сўзларини хўжайинларига етказиб сотқинлик қилганликларини аниқ вақти ва бизга таниш номлари билан далиллаб кўрсатади. Эл-Регистон деган болшевик шоир «Правда Востока» газетасининг ўттизинчи йилларда чиққан бир сонида Чўлпонни «Қўқон хонларининг занжирбанд ити» деб ҳақорат қилади. Ўзбек халқининг севимли шоирини шундай уятсизларча ҳақорат қилган «улуғ оғамиз», Қўқон хонлари Чўлпон туғилмасдан анча олдин ўтиб кетганини билмайди. Шу билан «занжирбанд ит» ибораси чаласавод жоҳилнинг маст-аласт алжирашига ўхшаб қолади.

Чўлпоннинг душманлари 1926 — 27 йиллари матбуотда унга қарши мисли кўрилмаган айбларни кўтариб чиқадилар. Бу ҳаммаси уни ўша йиллардаёқ қаматиб, йўқ қилиб юбориш мақсадида НКВД томонидан уюштирилган кампания эди. Аммо улуғ шоирни минг-минглаб ихлосмандлари дадил ҳимоя қиладилар ва унинг яна ўн йилдан ортиқроқ давр ичида бир қанча дурдона асарлар ёзишига имкон яратадилар.

Ўша даврнинг йирик давлат арбобларидан Файзулла Хўжаев Тошкентнинг обод бир маҳалласидаги чиройли боғ-ҳовлини Чўлпонга ижодхона қилиб беради. Ф.Хўжаевнинг ўзи унинг уйига боролмаса ҳам, машинасини юбориб Чўлпонни ўз қабулхонасига чақиртиради, бирор муаммо бўлса ҳал қилиб беришга интилади. Аниқ фактларга асосланган бу лавҳалар романнинг таъсир кучини оширади.

Архив ҳужжатлари Чўлпоннинг Мунаввар қори билан яқиндан ҳамкорлик қилганидан далолат беради. Мунаввар қори бошлиқ бўлган «Миллий истиқлол» номли яширин ташкилот Ўзбекистонда шўро тузумини йўқотиш ва мустақил миллий давлат тузиш мақсади билан иш олиб боради. Бахтга қарши, бу ташкилот аъзолари ўттизинчи йиллари қирғинга учраб халок бўладилар. Чўлпоннинг душманлари уни ҳам Мунаввар қори ва Ботулар қаторига қўшиб йўқ қилиш ҳаракатига тушадилар. Файзулла Хўжаев вазият хатарли эканини, агар Чўлпон Тошкентда қолса қатағонга учраши аниқлигини сезади. Ҳукумат бошлиғи бўлган Ф.Хўжаев ўзининг бутун имкониятларини ишга солади, Чўлпонни бахил душманларининг қўли етмайдиган жойга — Марказий комиссарлар кенгашининг «Шарқ халқлари нашриёти»га таржимонлик лавозимига ишга ўрнаштиради, тезликда унга Москвадан камтарона бир турар жой топтиради, сўнг шоирни дастлабки харажатларга ва йўлкирага етадиган маблағ билан ҳам таъминлаб, Тошкентдан дарҳол жўнатиб юборади. 1931 йилдан 1934 йилгача Чўлпон Москвада яшайди. Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромов Москвада ҳам унинг аҳволидан хабар олиб турадилар.

Тўғри, 1926 йили бўлиб ўтган зиёлилар қурултойида Акмал Икромов шўро мафкурасининг тазйиқи остида Чўлпонни ҳам, уни ҳимоя қилган Ойбекни ҳам қаттиқ танқид остига олган эди. Лекин кейинчалик Чўлпон Москвада яшаганда Акмал Икромов у билан учрашиб, орада пайдо бўлган ғуборларни тарқатади. Чўлпон Москвада ёзиб тугатган «Кеча ва кундуз» романини биринчи бўлиб Акмал Икромовга ўқишга беради. Акмал Икромов мураккаб раҳбарий ишда беҳад банд бўлишига қарамай, қўлёзмани поездда Тошкентга қайтаётганда ўқиб чиқади. Роман унга жуда маъқул бўлади. Расмият юзасидан қўлёзмани ёзувчилар уюшмасида муҳокамадан ўтказадилар. Шундан сўнг Акмал Икромов бутун масъулиятни ўзига олиб, романни тезда нашр этиш бўйича кўрсатма беради. «Кеча ва кундуз» романининг 1936 йили нашр этилиши адабий ҳаётда катта воқеа бўлади.

Агар Акмал Икромов мана шундай дадил йўл тутмаганда ёвуз кучлар бу нодир асарни ҳам унинг «Кундуз» деб аталган иккинчи қисмига ўхшатиб қўлёзма ҳолидаёқ йўқ қилиб юборишлари мумкин эди.

«Чўлпон» романида келтирилган ушбу воқеаларни ўқиганингизда ўзларингиз ҳам қатағон қурбонлари бўлиб кетган раҳматли Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевнинг адабиётимизга қилган яхшиликлари учун илиқ бир миннатдорлик туйғусини ҳис этасиз.

Чўлпоннинг атрофида кўпдан бери айланиб юрган қузғунлар, ниҳоят, уни 1937 йилнинг 13 июлида қамоққа оладилар. Шафқатсиз золимлар «халқ душманлари» деб аталган етук миллий кадрларнинг хотинларини ҳам қамоққа ташлайдилар. Бир йилдан ортиқ қамоқ азобини тортаётган Чўлпон бундан хабар топади ва аёлларга раҳми келиб, шоирлик созини яна қўлига олади.

Роман охирида умр йўлдоши Зиё Саид туфайли қамалган Хадича Алиеванинг бу ҳодисага бағишланган ажойиб хотираси келтирилган.

Ўзи ҳам нариги турмада жаҳаннам азобини тортаётган жўмард шоир бегуноҳ қамалган ўзбек аёлларининг руҳини кўтаргиси келади. Уларни «Ойдан-да гўзал, кундан-да гўзал» деб таърифлаган машҳур шеърига ўхшаш янги шеър ёзишга ўзида ҳоҳиш ва куч топади. Бу шеърни турма ошхонасидаги мухлислари ёрдамида бир амаллаб Хадича Алиевага етказдиради. Қамалган аёллардан бири — ижодкор Собира Холдорова Чўлпоннинг туткун аёлларни улуғлаган шеърини жабрдийдаларга қайта-қайта ўқиб беради. Улуғ шоир сўнгги кучларини тўплаб ёзган меҳр-мурувватга тўла шеър

Суратда: (чапдан) Иброҳим РАҲИМ, Комил ЯШИН, ШУҲРАТ.

мунис аёллар ва мушфиқ оналар қалбида қандай илиқ туйғулар уйғотганини кўз олдингизга келтирсангиз, Чўлпон умрининг охирги кунларигача ниҳоятда раҳм-шафқатли дилбар шахс бўлиб яшаганини чин дилдан ҳис қиласиз. Шундай суюкли шоирни, ҳеч бир гуноҳи бўлмагани ҳолда, 1938 йилнинг қоронғи куз кечасида Бўзсув бўйида отиб ўлдирганларини хаёлда гавдалантирсангиз кўзингизга беихтиёр ёш қуюлиб келади.

Бўзсув бўйларига Ватанимиз озодлиги учун курашиб ҳалок бўлган Абдулла Қодирий, Фитрат ва бошқа миллий қаҳрамонларимизнинг покиза қонлари ҳам тўкилган. Тарихнинг кескин бурилишлари гувоҳи бўлиб оқаётган бу қудратли анҳор бўйида қатағон қурбонлари ва шаҳидлар хотирасини абадийлаштирувчи улуғвор боғ, музей, ёдгорлик мажмуи бунёд этилганлиги истиқлол даврининг улкан ва олижаноб воқеаларидан бири бўлди.

«Чўлпон» романи ана шу ёдгорлик руҳида ёзилганлиги билан ҳам қадрлидир. Албатта, Чўлпон ҳаёти ва ижоди улкан тоғ тизмаларидек бири-бирига уланиб кетган ажойиб воқеаларга жуда бой. Уларнинг ҳаммаси битта китобда тўлиқ кўрсатилиши имкондан ҳоли эди. Келажакда Чўлпон мавзуи олиму ёзувчиларнинг янги-янги авлодларини ўзига жалб этиши шубҳасиздир. Кўпни кўрган тадқиқотчиадиб Наим Каримов ўз асарига ёзган сўнгсўзда камтарлик билан шундай дейди: «Ушбу китоб мукаммалликдан анча-мунча узоқ. Шоир ҳаётини ёритишда бизнинг кучимиз етмаган ўринлар бўлиши мумкин».

Бу сўзларни ўқигандан сўнг китоб ҳақида ортиқча танқидий мулоҳазалар билдиришни лозим топмадик.

Кўпйиллик изланиш ва тадқиқотларнинг маҳсули бўлган «Чўлпон» маърифий романи бутунича олганда, қаҳрамонона ҳаёт ва ижоднинг кенг кўламли кўзгусидек таассурот қолдиради. Бу кўзгуга қараган одам унда ўзининг қиёсий аксини ҳам кўради. Биз, бугунги қалам аҳли, ҳақ сўзни айтишда, халққа жон куйдиришда, шижоат ва фидойиликда Чўлпон ва унинг буюк маслакдошлари бўлган Абдулла Қодирий, Беҳбудий, Фитрат, Мунаввар қори каби довюрак истиқлолчилардан қанчалик кўп нарса ўрганишимиз ва қай даражада ибрат олишимиз кераклигини эсдан чиқармасликка бурчлимиз.

ТАҚРИЗ

ТАДҚИҚОТ, АХБОРОТ

Марсия ёзиш анъанаси халқ оғзаки ижоди ва қадимги битикларга бориб боғланади. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғати турк» асарида «Алп Эр Тўнга» марсияси берилган. Фитрат «Энг эски турк адабиёти намуналари» китобида бу марсияни чоп эттирган. Алишер Навоийнинг Жомий вафотига ёзган бир юз қирқ мисрали марсияси Садриддин Айний томонидан шоҳ асар сифатида баҳоланган. Ҳувайдо, Роқим, Нодира, Қулфат ва бошқа шоирларимиз мазкур анаъанани давом эттиришган.

МАРСИЯЛАРДАГИ ДИЛ РОЗИ

XX асрга келиб атоқли ижодкор вафоти муносабати билан марсия ёзиш ўзига хос анъанага айланди. Беҳбудий ва Ҳамзанинг Исмоилбек Гаспирали вафотига, Фитрат, Садриддин Айний, Чўлпоннинг Беҳбудий хотирасига бағишланган марсиялари бунга мисол бўла олади. Айниқса, Ғафур Ғулом вафотига бағишланган марсиялар Ғ.Ғуломнинг ўзбек шаъриятида тутган мавқеи, она халқ ва шогирдларнинг устозга меҳр-муҳаббати кўз ўнгимизда жонлана боради. Ҳолат ва кечинманинг реал манзарасида қалбдаги ўтли нидо отилиб чиқади: «Йиғла, онажоним, эй она халқим».

Мотам руҳидаги оҳангга йўғрилган дардчиллик ва ҳазинлик лирик «мен»нинг мунгли кайфиятини ифодалайди. «Дилда қотган ғам» поэтик топилмаси бу йўқотишнинг ғоятда улканлигини чуқур ҳис этишга кўмаклашади.

Бироқ шеър буткул чорасизлик, умидсизлик ва изтиробли мунг билан тугамайди. Шоирнинг қайғусида марҳумга чексиз ҳурмат ва эъзоз баробарида Ғафур Ғулом бошлаган эзгу ишларнинг шогирдлари томонидан давом эттирилишига некбин бир ишонч руҳи ўз ифодасини топган. Курашчанликка даъват этувчи ҳаётбахш мазмун китобхон қалбига таъсир этиб, аниқ мақсад сари интилиш, фидойи инсондан ўрнак олиб яшаш, яратишга ундайди.

Мақсуд Шайхзоданинг «Ғафурга хат» марсияси шоир вафотидан уч ой кейин яратилган. М.Шайхзода юз берган йўқотишни аниқ ва ҳаққоний тасвирлаш учун, аввало, улуғ шоирнинг инсон ва ижодкор сифатидаги қиёфасини гавдалантиради. Ғафур Ғуломнинг умр саҳифалари, кўрган-кечирганлари, характерига хос сифатлар эсга олинади. Унинг фазилатларини таърифловчи мисралар шунчаки оддий сўзлар тизмасидан иборат эмас, балки шоирнинг зоҳирий ва ботиний дунёсини ёритиб берувчи сатрлардир:

Тинмас, толмас, жонпарвар кўз борди сенда,
Қирқ шоирга етарлик сўз борди сенда.
Ҳофизангда юз минг байт, ўнг минг латифа,
Минг саргузашт, юз қисса, сонсиз саҳифа...
Ҳаммаси сенда эди ва сендан эди,
Ийдрокингдан, зеҳнингдан, кўксингдан эди.

Шоир даставвал дўстининг ёруғ оламда мавжуд боғ-роғлар, дала-қирлар, ҳатто кўпригу чорраҳаларни, муҳими, сўз маржонларини тарк этиб кетганига ишонмайди. Чунки унинг наздида «Ғафур Ғулом ва ўлим қовушмаган гап». Марсияда изтироб ва ҳасрат етакчи кечинма даражасига кўтарилади. «Хазон нафаси», «қаро зулмат», «шодликлар уйин ёндирдинг», «ҳасратим чексиз», «ҳасрат тўлган» каби поэтик тамсиллар орқали шоир айрилиқ дард-аламларини таъсирчан ёритиб беришга муваффақ бўлади.

Марсиянинг яна бир ўзига хослиги шундаки, унда лирик «мен» қалбидаги оғир кечинмаларнинг чексиз-чегарасизлиги Ғафур Ғулом бот-бот айтиб юрган турк шоири Абдулҳақ Ҳомиднинг қуйидаги байти воситасида ифодаланади:

Эвоҳ на ер, на ёр қолди,
Кўнглим тўла оҳу зор қолди.

Ғафур Ғулом қалбидан жудолик дамларида, ёлғизлик туйғон ҳолатларда тилига кўчган ушбу байтнинг марсияга сингдирилгани унга ҳаётий мазмун, жонли руҳ ва эстетик таъсирчанлик бағишлаган.

М.Шайхзода марсияда ижодкор ва давр, яшаш ва курашиш, ҳаёт ва ўлим, умрнинг мазмуни каби ҳаётий-фалсафий муаммолар хусусида ҳам сўзлайди, ўзининг бадиий-фалсафий қарашларини илгари суради. Бу эса марсиянинг маърифий қимматини янада кучайтирган. Марсия қуйидаги байт билан бошланади:

Олтмиш йиллик умрнинг ҳаяжонларин,
Тўпалонлар, ҳужумлар, қаҳқаҳаларин...

Байтдаги «тўпалонлар, ҳужумлар» жумласи бевосита диққатни жалб этади.Биз икки дўст, икки ижодкор инсоннинг яхши-ёмон кунларида бир-бирига ҳамдард, ҳамфикр бўлиб яшаганига гувоҳ бўламиз. Шоир ўтган умр саҳифаларини кузатишда давом этади:

Курашларнинг қизғин, дабдабасини,
Муҳаббатнинг кўп асов жазавасини.
«Ҳаёт» деган китобдан ўқиб олгандинг...

Бу ўринда «ҳаёт китоби»нинг фалсафий моҳияти, мазмуни бетакрор ифодаланган, ғоявий-эстетик жиҳатдан аниқ баҳоланган.

Шоир юз берган фожиани тўла тасаввур этиш учун лирик чекиниш қилади ва шу орқали шеърнинг китобхон қалбига эстетик таъсирида пайдо бўладиган ҳолат, руҳий кечинманинг чуқурлашувига эришади:

Ўлим шундай бир мулкки, султони жимлик,
Унда товуш чиқармай ётар фуқаро.
Қаро зулмат у жойда қилар ҳукимлик,
Шу туфайли ўлимнинг туғи ҳам қаро.

Бу ўринда шоир ўлим даҳшатлари хусусида инсонларни огоҳлантириш орқали ҳаёт ва тирикликнинг, яшаш ва курашишнинг қадрига етишга ундайди.

Марсиянинг бошида қалби ғамга тўлган лирик қаҳрамон ўзини ўнглаб олади: ифтихор билан «Адресинг юракларнинг айнан тўрида», дейди. Ғафур Ғуломнинг оддий бир инсон сифатида юраги тўридан жой олгани, шеърлари миллионлаб дилларга муҳрлангани, сўзлари масалдек тилдан-тилга кўчганини эслаб шоир тасалли беради.

Ҳар иккала шоир шеърларида қайғу мотивлари марҳум номини эъзозлаш ва ҳурмат қилишга йўналтирилган. Улардаги ҳаётбахш якун, ҳаётга муҳаббатнинг кучли ифодаси китобхон қалбига таскин беради, унда умидворлик уйғотади.

Тозагул МАТЁҚУБОВА,
ЎзМУ докторанти

ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг етмиш йиллиги муносабати билан журналда бу илм масканн фаолияти тарихига доир туркум мақолалар эълон қилинмоқда. Навбатдаги сонда сиз адабиётшунос олим Бахтиёр Назаровнинг Тил ва адабиёт институти адабий алоқалар, таржима назарияси бўлимларида етмиш йил мобайнида амалга оширилган илмий тадқиқотлар, мутахассислар фаолияти ҳақида батафсил маълумот берувчи мақоласи билан танишасиз.

«Адабиётшунослик» рукни остида берилган Иброҳим Ҳаққулнинг мақоласи «ҳаётда ҳам, бадиий ижодда ҳам ўз ҳақиқатларини топган, шу ҳақиқатлар учун сабот билан курашган санъаткор» Абдулла Қаҳҳор шахси ва шижоати ҳақида. «Ғафур Ғулом ижодида ижтимоий лирика» (Н.Раҳимжонов), «XX аср бошлари ўзбек болалар адабиётида анъана, адабий таъсир ва бадиий маҳорат» (Р.Баракаев) мақолаларида ҳам адабиётшуносликнинг долзарб мавзулари қаламга олинган.

Тилшунослик соҳасига доир илмий тадқиқотлар сирасидан таниқли олимлар Миразиз Миртожиевнинг «Ноагентив феъллар ҳақида» ва Қозоқбой Маҳмудовнинг «Туркий тил-

ларда ундош товушлар диалектикаси» мақолаларини таъкидлаб ўтиш ўринли.

«Илмий-адабий мулоқот» рукнидаги суҳбатлар ҳамиша муштарийларнинг эътиборини тортиб келган. Журналнинг мазкур сонида Умарали Норматов ва Эргаш Очиловнинг танқид, мунаққид ва ҳозирги адабий жараёндан баҳс юритувчи суҳбати кўпчиликда қизғин муносабат уйғотиши тайин.

Навоийшунос олимлар Абдуқодир Ҳайитметовнинг «Мажолис ун-нафоис»нинг ноёб бир нашри ҳақида», Суйима Ғаниеванинг «Маҳбуб ул-қулуб»нинг форсча таржимаси, Ваҳоб Раҳмоновнинг «Бир байтдаги бадиият жилолари» ва яна таржима, фолклор ҳамда тилшуносликнинг муҳим масалаларига бағишланган ўндан ортиқ мақолалар «Илмий ахборот» рукнида берилган.

«Бухоро афсоналари», «Нутқ ва услуб», «Француз тили назарий грамматикаси» сингари янги китобларга берилган тақризларда уларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўз юритилади.

Қадимги туркчадан Н.Раҳмонов табдил қилган «Олтин ёруқ» асарининг давомини ҳам журналнинг ушбу сонида ўқийсиз.

ДОИМИЙ ҲАМРОҲ

Адабиётга янги талантларнинг кириб келиши қувонарли ҳодиса. Уларнинг илк машқлари устозлар эътиборига тушса, ёш шоир ёки ёзувчи учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Шу маънода сурхондарёлик ёш қаламкаш Шодмонқул Саломовни илк шеърлар тўплами — «Юрак иқлими» ва унга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев томонидан ёзилган илиқ сўзбоши билан табрикласак, ўринли бўлади. Таниқли адиб ёш шоирнинг ушбу сатрларига эътиборимизни тортган:

Эртага сочимни оқартиради,
Бу кеча Бойсунга ёғиб ўтган қор.
Соғинчдан қўксимга тоғлар қулади,
Тўлғонган тоғларга ветдик, Қаплиёр...

Шубҳасиз, бу сатрларнинг ўзиёқ Шодмонқулнинг истеъдодидан белги бериб турибди. Унинг «Юрак иқлими» тўпламидаги шеърлари эса бу белги тасодиф эмаслигини далиллайди, деган умиддамиз. Зеро, ёш қаламкаш ўзи англаган, кўнглидан кечирган туйғуларнинг содда, самимий ифодасини топишга уринган ва шу англанган ҳисларнинг таъсирчанлигини табиий беришга эришган. Бироз ҳазилга мойил, бироқ замирида хийла бардош талаб этадиган ҳақиқатни ўзида ифода этган қуйидаги икки банд шеърга эътибор қилайлик:

Ҳаёт билан илк бора,
Мана, ёлғиз турибман.
Қалин экан қовоғи,
Бироз чўчиб юрибман.

— Бардошли бўл, қароғим,
Ёлғон айтмасин юрак.
Қўрқанингни билдирма,
Ҳали яшашинг керак.

«Юрак иқлими» мажмуаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт жамғармаси» нашриёти томонидан минг нусхада чоп этилган. Муҳаррир Р.Мусурмон. Нашрни рассом А.Икромов

УЧРАШУВ

Кумуш РАЗЗОҚОВА:

«САҲНА СПОРТ МАЙДОНИ ЭМАС»

Қадим Ҳиндистонда афсонавий қуш бўларкан. Емиши қуёш шуъласи бўлган бу қушнинг овози ғоятда сеҳрли экан. У сайраганда бутун Ҳиндистон тингларкан. Бу қушнинг овозини эшитган одамда руҳ уйғоқлиги кучаяркан. Лекин унинг қандай учишини ҳеч ким кўрмас экан. Бир куни шу қушдан сўрашибди: «Сен ўнгга учасанми, сўлгами?» У: «Самога, юксакка парвоз этаман» деб жавоб берибди...

Руҳнинг ердан кўтарилишини на кўз билан кўра оласан, на қўл билан ушлай оласан. Уни бутун борлигинг билан ҳис қиласан холос.

Шундай оҳанглар, дилни тилка-пора қилгувчи куйларга сингиб кетган сўзлар борки, сенга илоҳий лаҳзаларни бағишлайди. Беихтиёр ўша «лаҳзаларни ушлаб қолишни, унда яшашни» орзу қиласан. Мудраб ётган руҳинг уйғона бошлайди. Қалбингни сергаклантиради. Бундай хонишларнинг эгаси ҳам афсонавий қуш янглиғ ўзининг парвозини ҳар дамда, ҳаммагада кўрсатавермайди. Балки унинг бутун тилсими ҳам мана шундадир.

Лекин Сиз бу қўшиқларни тунги диско клублардан, расмий маросиму тўй кечаларидан изламанг. Адашасиз! Чунки унинг аёл қалби ҳеч қачон «Сочимдан кўп ошиғим, Сен бўлмасанг бошқаси», «Мен сени дедим, сен мени дединг» ёхуд «Ҳар ҳолда мен Кумушман» дея такаббурлик билан ҳайқирмайди. Агар у шундай деб куйлаганда, бугун у ҳақда гапиришнинг ҳожати бўлмасди.

Аксинча у: «О, ҳеч сизга етмасин озор, Тушунаман йиллар андиша», «Хайр энди. Қалбимда бир видо қолди» ёки «Мен тақдирдан ҳеч нолимайман, Гар алмащдим шомга тонгимни» дея сизни яхшиликка етаклайди. Шикаста қалбини очади.

*Кумуш Раззоқованинг бақириб-чақириб куйлаганини ёки маълум бир саналарга бағишланган шиорларга бой қўшиқларини эслай олмаймиз. Хонанданинг ижоди панду насиҳатлардан, қандайдир ташвиқотлардан узоқ. У оддийгина қилиб, фақат «Дунё барчамиздан қолар одамлар, Турналар қайтгунча омон бўлайлик» дейди. Балки шунинг учун бу қўшиқлар қалбимиз мулкига айлангандир. Йиллар ўтса-да ўз оҳорини йўқотмайди. У фақат **инсон** ҳақида, унинг дил розлари ҳақида куйлайди. Кумушхонимни тинглаганингда Аёл қалби буюклигини ҳис қилиб, кимлигингни англашга урина бошлайсан.*

Хондананинг айтишича, муҳаббат у учун ҳаёт, ҳар кунги ҳаёт.

— Қайси қўшиқни қандай куйлаш ижодкорнинг қалбига, руҳий тарбиясига боғлиқ. У қўшиқ воситасида кўнглини, ҳис-туйғуларини, бир сўз билан айтганда, Ўзлигини очиб беради. Шундагина санъаткор ҳодисага айланиши мумкин. Ботир Зокиров санъаткор сифатида фавқулодда шахс бўлгани учун ҳам унинг қўшиқлари соғинчга айланган. Айниқса, бугунги кунда...

— Кумуш опа, «Сиз ёққансиз менга ҳамиша», «Ёмғир ёғди», «Унутма мени», «Мен сени ҳеч кимга бермайман»... Булар аллақачон санъат ҳодисасига айланган. Бунда мусиқа, сўз ва ижро бир-бирига ҳамоҳанг бўлиши билан бирга, инсон руҳидаги муҳаббат ва айрилиқ изтироблари нафис оҳангларда ифодаланган. Бир неча йиллар олдин Усмон Аъзим шеърларига қайта мурожаат қилиб, «Ҳаёт қўшиғи» шеърини куйлаган эдингиз. Яқинда Юлдуз Усмонова бу қўшиқни янгича талқинда ижро этди...

— Ҳар бир санъаткорнинг ўз ички дунёси бор. Қолаверса, шеърият шахсий мулк эмас. Юлдузнинг ўз услуби, дунёқараши бор. Балки, Юлдуз Усмон Аъзимнинг китобини варақлаб туриб ушбу шеърдан таъсирланган-дир. Битта шеърни ҳар хил куйлаш мумкин. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Лекин ўзимга келсак, мендан олдин биров қўшиқ қилиб айтган шеърни бошқатдан куйлай олмайман.

— Бугунги ўзбек эстрадасининг умумий манзараси ҳақида нима дея оласиз?

— Илгарилари бу қўшиқ кекса авлодга, буниси эса ёш авлодга тегишли деб, қўшиқларни даврларга бўлиш йўқ эди. Санъаткор учун ҳеч қандай замон ёки макон деган чегаранинг ўзи йўқ асли. У учун битта мезон бор эди — юрак кенгликларида сайр қилиш. Негадир, **бугун эстрада деганда кўз олдингга ер тепиниб ўйнаётган ўн беш — ўн олти ёшли болалар келади.** Ўзинг шу соҳага дахлдор бўла туриб, бу вазиятни четдан кузатиш, айниқса, азоб.

— Баъзи хонандаларни кўриб ажабланасиз, бир хил қўшиқчи-шоирлар атрофида айланиб қолишади. Тағин «ўз муаллифларига» буюртма ҳам беришади. «Оддий халқ қабул қилса бўлди-да». Ҳозир жўн қўшиқлар пайдо бўлаётганининг сабаби ҳам шу муносабатларда эмасмикин?

— Сабаблари кўп. Биринчидан, буюртма билан шеър ёздириш — бемаънилик, иккинчидан, тайёр мусиқага шеър ёзиш — ижод эмас, ўзини-ўзи алдаш. Бу тинглаш жараёнида дарров сезилади. Куй билан сўзлар бир-бирига қовушмайди. Қолаверса, аксарият ёш хонандалар сўзни тўғри талаффуз қилолмайди, тил тоза чиқмайди. Ўзбек санъаткориман, деб миллат ҳақида қўшиқ айтишади-ю, лекин ўзбек тилини яхши билишмайди. Ўзи сўзнинг моҳиятига етмагандан кейин, бошқаларга қандай қилиб унинг маъносини етказа олсин.

— Баъзан эстрадамиздаги оқсашнинг сабаби сиз ва сиз каби санъаткорларнинг сукутларимикин, деб ўйлаб қоламан.

— Ҳар бир санъаткорнинг ўз ўрни, ўз ижод йўли бор. Баъзан: «Мана сенга марду майдон! Зўр бўлсанг кучингни қўрсат!» деганга ўхшаш гапсўзлар қулоққа чалиниб қолади. Билмадим, мен мана шу чақириқни ҳазм қила олмайман. Санъаткор учун эмас бу гап. Негаки, бу — ижод, спорт эмас. Бунда билаклар курашмайди, туйғулар тўқнашади. Қўшиқ, аввало, руҳий эҳтиёж. Хоҳлаган пайтда ички имкониятларингни очиб ташлолмайсан. Санъаткор бугун нимага саҳнага чиқмаяпти? Балки шахсий ҳаётида нимадир рўй бергандир-у, руҳан ўзини ўнглай олмаётгандир, чарчагандир. Бироз вақт ўтгандан сўнг яна орқага қайтар. Бу ҳолат — энди у тамом, майдондан чиқди дегани эмас-ку! У танаффус қилаётган бўлсада, қўшиқлари яшаяпти-ку! Афсуски, саҳнани спорт майдонига айлантириб, «Ким ўзар» қилиб юборишди.

Шахсан ўзимга келсак, нима учун бугун кўринмаяпман? Айни пайтда куйлашим керак бўлган янги, яхши қўшиқ йўқ. Ижоддан тўхтаб қолишдан қўрқиб, дуч келган мусиқачининг қўшиқларини куйлашни истамайман. Халққа ўзингнинг ҳалиям борлигингни билдириш учун ёмон қўшиқ билан чиққандан кўра, сукут сақлаган афзал. Қолаверса, ўзимни тўрт томонга уриб, турли шаклу шамойилга кириб, шовқин-сурон кўтариб куйлаш менга ярашмайди. Ёки тирикчилик ташвишида тўйлар-у ресторанларга бориб, концерт қўйишни эп билмайман. Мухлисларимни ўзимдан бездиргунча, соғинтириб яшашни афзал деб биламан. Барибир, инсон умид билан яшайди. Юрақдаги ўт бир кун келиб ўз кучини кўрсатишига ишонаман.



Ҳозир Консерватория ва Санъат институтига ишга таклиф қилишяпти. Бунинг учун педагоглик маҳорати керак. Агар юрагимда ҳоҳиш уйғонса, албатта, бораман. Ичингда қолиб кетаётган имкониятларингни юзага чиқариш ҳам керак-ку ахир! Буниям ўзига яраша муаммоси бор . Хўш, шогирд тайёрладим, ҳам дейлик, лекин ўқишни тамомлаганидан кейин уларнинг тақдири қандай кечади? Чунки айни вақтда бизда менежерлик ва продюсерлик мактаби йўқ. Шу сабабли хонанда ишни бошлашидаёқ ҳам ташкилотчи, ҳам ҳомий, қўлидан келса, бастакорлик ҳам қиляпти. Хуллас, «Қандай йўллар билан бўлмасин, саҳнага чиқишинг шарт!» дейишга тўғри келиб қолди. Оқибатда у Мусиқа ва Сўз ҳақида эмас, пул ҳақида ўйлай бошлайди. Санъаткор қачон пул топиш ҳақида ўйлай бошласа, ўша лаҳзадан бошлаб унинг ижодкор қалби ҳам дарз кетади. Яна битта энг оғриқли томони — куйлар мусиқа асбоблари эмас, компьютерда яратиляпти. Фортепианода мусиқа яратишнинг ўзига яраша сеҳри бор, унда ижод қилиш имконияти бор. Қўшиқчи шунчаки бажарувчи ёки ҳайқирувчи эмас!

Ҳар қандай одам ўзига юққан нарсалар — тушунчалар, қадриятлар, туйғулар... доирасида иш кўради. Суҳбат давомида мен бир нарсага — Кумуш Раззоқованинг ҳар бир қўшиғи ортида унинг шахси ётишига амин бўлдим. Нима бўлган тақдирда ҳам кишилар ҳақиқий санъаткорни доимо қумсайдилар. Яна қачон? Ҳаётдаги энг ҳал қилувчи фурсатларда — муҳаббат дарди юракни тилганда, оғир хаёллар кўчаларини кезганда, умр мазмунини ўйлаб, турли гирдоблар қуршовида қолганда. «Қалбингиздаги туйғулар бўрон»га айланиб, исён қиляптими, шунда сиз Кумушхонимни тингланг, танҳо қолганингизда тингланг, такрор тингланг.

У ижро этган қўшиқлар сирдошингизга айланади.

Иқбол ҚЎШШАЕВА

ТЕЛЕВИЗОР БОЛАЛАРНИ БУЗАДИМИ?

БУ САВОЛГА РУҲШУНОСЛАР "ҲА" ДЕБ ЖАВОБ БЕРМОҚДАЛАР.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

Телевизор кўриш болаларга қанчалик зарар етказаётганидан ота-оналарнинг хабари бормикан? Мутахассис врачларнинг фикрича, телевизор болалар феъл-атворининг салбий томонга ўзгаришига таъсир кўрсатиб, ривожланиб бораётган ёш организмга зарар ҳам етказар экан.

АҚШ ва Буюк британиялик руҳшунос олимлар телевизор кўриш оқибатида болалар жаҳлдор, серзарда, ҳиссиётларга тез бериладиган бўлиб қолаётганларини, дунёқарашлари, онги, умуман руҳий ҳолатига ёмон таъсир кўрсатаётганини исботлаб беришди. Ҳозирги кунда АҚШда саксон фоиз болалар телевизор ёнидан умуман жилмайдиган бўлиб қолишган. Улар кун бўйи ҳар хил мултфилмлар, эртаклар, турли кўрсатувлар ҳатто сериалларгача томоша қилиб ўтиришаркан. Бугунги кунда АҚШ, Буюк Британия ва бошқа ривожланган давлатлар телевидениеларида айнан болалар учун мўлжалланган махсус телеканаллар мавжуд бўлиб, улар ёрдамида ёш болаларни 24 соат давомида «гангитиб» ўтириш мумкин. Натижада на ота-онага, на энагага зарурат қолмайди.

АҚШнинг Массачусетс штатида ота-оналар ва руҳшунос олимлар ўртасида катта мунозара бўлиб ўтди. Унда Олмония, Англия, Франция мамлакатларидан келган мутахассислар ҳам қатнашишди. Мунозарада ёш болаларнинг телевизорга қанчалик ўрганиб қолаётгани ҳамда улар организмида, айниқса, феъл-атворида салбий ўзгаришлар юзага келаётгани (бундай болалар семиришга мойил бўлади, чунки телевизор ёнидан жилмагани учун овқатни ҳам ҳамма вақт ўша ерда ейди, қонида холестерин миқдори кўтарилиб кетиши, сержаҳллик ёки аксинча сентименталлик аломатлари) айтиб ўтилди.

«Бизга маълумки, кичик ёшдаги болаларнинг мияси тез ривожланади ва улар ташқи омилларни кузатувчан бўладилар, ҳар бир маълумотни (қандай бўлмасин) қизиққонлик билан қабул қилишга, англаб олишга ҳаракат қиладилар, — дейди врач Дмитрий Христакис. — Тўғрими ёки нотўғрими, бу каби ахборотларнинг бола онгига таъсири катта. Бу фикр менга илк бор дам олиш учун телевизор кўргани хонага кирганимда келди. У ерда уч ёшли қизалоғим киприкларини пир-пиратганича ойнаи жаҳон экранига тикилиб ўтирарди. Телевизор уни мисоли сеҳрлаб олгандек унинг ёнидан кетмасди. Бу ҳодисага бир неча бор гувоҳ бўлганимдан сўнг юқоридаги хулосаларга келдим».

Бунинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли шуки, авваламбор, ота-она фарзандидан кўз-қулоқ бўлиб туриши, камроқ телевизор кўриб, кўпроқ сайр қилиши, айниқса, китоб ўқиши, ўз тенгқурлари билан муомалада бўлиши зарурлигини тушунтириб бориши керак.

Буюк британиялик болалар руҳшуноси эса шундай деди: «Биз ҳаётимизни телевизорсиз умуман тасаввур қила олмаймиз. Зеро, асосан телевизор орқали ўз мамлакатимиз доирасида ва жаҳон миқёсида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиб турамиз. Аммо ёш авлод масаласига келадиган бўлсак, уларнинг бу даражада телевизорга тобе бўлиб қолишлари ёмон оқибатларга олиб келади. Ҳозир ёш болалар телевизорга шунчалик ўрганиб қолишганки, ҳатто у туфайли мактабга ёки боғчага боришни хоҳлашмайди. Телевизорнинг болалар учун мўлжалланган каналлари бўлгани жуда ҳам яхши, мултфилмлар, эртак қаҳрамонларига бевосита тақлид қилиши, уларга ўхшашга интилиши ҳам ёмон эмас, албатта, (агар улар ижобий бўлса). Бу гапларни айтаётганимнинг сабаби шундаки, болалар кўпинча ижобий эмас, ёмон хислатларни тез ўзига олади ва ўшандай қаҳрамонлар каби ҳаракат қилишга аста-секинлик билан ўрганиб боради.

Салбий хислатлар тарғиб этилган эртаклар ичида катта бўлаётган болаларнинг онги ҳам, дунёқараши ҳам бошқача бўлади. Шу билан бирга, ёшларимиз хаёлан доимо эртак қаҳрамонлари билан бирга бўлишни, уларнинг ўрнида ўзларини кўришни исташади. Шундай экан, азиз ота-оналар, келинг, фарзандларимизни кўпроқ китобларга қизиқтириш ҳақида ўйлайлик. Ишончим комилки, кўпчилигингиз фарзандларингизга умуман китоб ўқиб бермайсиз, яна аминманки, бу китоблар узоқ вақтдан бери жавондан олинмаганлиги туфайли чанг босиб кетган бўлса ажаб эмас...»

Матлуба ЁҚУБОВА тайёрлади.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Эътиборингизга ҳавола этганимиз бу мақола АҚШда чиқадиган «The Guardian» газетасидан таржима қилинган.

Бизнингча, унда ўртага ташланган масалалар бугунги кун учун долзарб бўлиб ҳаммамизга ҳам бевосита таалуқлидир. Чунки бугун фарзандларимиз мутолаа қилиш, жиддий машғулотлар билан шуғулланиш ўрнига, аксарият ҳолларда телевизор, видео, компютер каби замонавий техникалар атрофида ўралашиб қолаётганлари сир эмас. Бу ҳақда матбуотда ҳам фикр-мулоҳазалар ўртага ташланмоқда.

Сизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларингизни билишни истар эдик.

ҚУТЛАЙМИЗ!

КИЧКИНТОЙЛАР АДАБИЁТИ ИЖОДКОРИ

Яйра опа узоқ йиллар болажонлар оламида яшади. «Саволлари кўп» кичкинтойлар билан тинмай мулоқотда бўлди, уларнинг ташвишу қувончларини қаламга олди. Чорак аср «Ғунча» журналининг бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатиб, болаларга янада яқин бўлди. «Ҳаётнинг бир варағи», «Кўзлари хумор», «Инсон қадри», «Олтин халқача», «Бекинмачоқ», «Қоғоз қуш», «Чип-чипжон» сингари кўплаб жажжи китоблар ана шу йиллар давомида дунё юзини кўрган.

— Йўқ, йўқ, сиз мени болалар ёзувчиси деманг! Ахир, бу сўз жуда масъулиятли... Мен кичкинтойлар адабиётининг бир ижодкориман, холос, — дейди у суҳбатимиз чоғида. — Олтиетти йилдирки, уйдаман. Ҳамиша болалар ҳаёти билан яшаб келган киши учун бу анча муддат. Ёлғиз қолсам бас, «Ғунча»да ишлаган йилларим, таҳририятнинг бақувват ва аҳил жамоаси бирма-бир хаёлимдан ўтаверади. Маҳмуд Муродов, Неъмат Тошпўлатов, Турсунпўлат Холмуҳаммедов, Собит Ғафуровлар... Бари-бариси болалардай беғубор инсонлар эди. Айниқса, Собит ака ҳақида алоҳида гапиргим келади. Учрашувларга чиқсак, кичкинтойлар билан шунчалик тез «тил» топишардики, ҳайрон қолардик. Ҳатто ўзлари машқ қилган шеър ва ҳикояларгача тортинмай ўқиб берар, баъзилари ўйлаб юрган фикрини айтиб, маслаҳат сўрарди. Мана шундай учрашувлардан сўнг бизнинг «Ғунча»миз саҳифалари тобора кенгайиб, янада «жонланиб», қизиқарли бўла борарди.

Болалардан юзлаб мактублар олардик. Бу хатлар янги-янги рукнлар очилишига туртки бўлди. Расмли топишмоқлар, мақол-маталлар, ҳикматли сўзлар, эртак ва ҳикоячалар! Болалар билан журнал орқали «суҳбат»имиз шунчалик қуюқлашиб кетдики, охироқибат «Ғунча»нинг нашр адади салкам миллион нусхага етди!

Қуддус Муҳаммадий, Пўлат Мўмин, Худойберди Тўхтабоев, Рауф Толиб, Тамилла Қосимова каби муаллифларимиз таҳририятнинг «мезбон»лари қаторида турарди. Болалар билан учрашувларимиз уларсиз ўтмасди. Болажонлар нафақат кичик дўстларимиз, айни пайтда зарур маслаҳатчиларимиз ҳам эдилар!

— Яйра опа, болада миллий ғурурни тарбиялаш борасида...

— Ҳа, бу нарса фаолиятимизнинг асосий мазмунини белгиларди. Мана, бир топишмоқли ҳикояча. Бола ойиси билан боғчага кетаётиб йўлда қоқилиб йиқилади. Оғриқ зарбидан овозининг борича қичқириб йиғлайди. Шунда ойиси боланинг қулоғига нимадир деб пичирлайди. Бола дарров овуниб, ўрнидан туради. Хўш, сиз айтинг-чи, болани йиғидан тўхтатган қандай сўз эди?

Ўйланиб қоламан. Чиндан ҳам қанақа сўз экан у?

Яйра опа кулиб юборадилар.

— Ойиси унга «Ўғил бола йиғламаслиги керак!» дейди-да. Ахир, бола ўзини ўғлон деб ҳис этишининг ўзи катта гап. Шу тарзда у бурчларини секин-аста тушуна бошлайди. Миллий руҳда тарбиялаш мавзусини ёдимга солганингиз яхши бўлди. Биласизми, болалар нашрларида биз асосан шу нарсага урғу бермоғимиз зарур. Айниқса, бугунги кунда... Ўз юртини ҳимоя қилишга кичкинтой ҳозирданоқ ўргансин. Бир вақтлар биз боғча ва мактаблар педагоглари, ота-оналар билан суҳбатлашганимизда шу ҳақда кўп баҳслашардик.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси Яйра Саъдуллаева кўп йиллар масъул вазифаларда ишлаб, нафақат яхши ижодкор, балки ибратли она, чиройли хонадоннинг бекаси ҳам бўла олди. Оила бошлиғи Абдуолим Каримов таниқли философ эди. Яшнархон, Юлдузхон, Ҳамидхонлар ота-оналаридан ўрнак олиб, ҳаётда ўз ўринларини топишди. Беш набиранинг кулгилари бу хонадонга файз ва қувонч олиб кирди.

— Етмиш йиллик умр йўлига боқиб, «Ғунча»да ишлаган даврларимдан рози бўламан, — дейди Яйра опа. — Содда, беғубор, ростгўй болалар... Уларнинг кўнглига йўл топиш учун ўзинг ҳам бола бўлиб яшамоғинг керак. Мен озод юртда ўсиб вояга етаётган ҳар бир ўғил-қизнинг бахтли бўлишини истайман.

Биз ҳам Сизга соғу омонлик тилаймиз, Яйра опа!

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

СУРАТДА: С.Абдуллаев ва «Шаҳризода» гуруҳи

«ЗАМИН»ДА МУСТАҲКАМ ТУРГАН ИЖОДКОР

Бундан бир неча йил аввал телевизорда ажойиб бир рақс спектаклини томоша қилгандим. Бошланишидан кўролмаганим учун бу мусиқий клипнинг такрорланишини кутиб юрдим. Иккинчи, учинчи... марта кўрганимда ҳам, ҳар сафар бу клипдан бирор янгилик топардим. Асосийси, бу ихчам мусиқий асар гўё гўзаллик симфониясидек янграйди. Маълум бўлдики, «Фақат сен...» деб номланган мазкур клип режиссёри Саъдулла Абдуллаев бўлиб, раққоса Сўғдиёна Исроилова ва ўзи асосий қаҳрамонларни ижро этишган экан.

Хуллас, менда видеоклиплар ишлашга қизиқиш кучайди. Дастлабки видеоклиплардан бирини бастакор Султонали Раҳматовнинг «Ҳаёт» мусиқасига ишладик. Кейин хонанда Рустам Ғойиповнинг «Қалбим тўрида» қўшиғига ва Сўғдиёна Исроилова билан «Он ли ю» («Фақат сен») мусиқасига клиплар яратдим.

Очиғи, шу клипни кўргандан сўнг С.Абдуллаев шахсига бўлган қизиқишим ортди. Афсуски, унинг номини аксарият радио-телевидение орқали эшитар, баъзан матбуотда бирор муносабат билан у ҳақда ёзилган сатрларга кўзим тушардию, ўзини учратиш имкони бўлмасди. Унинг вақти ниҳоятда тиғиз эканлигини, у ижодий жараёндан бунисига зўрға улгуришини, «бўш вақт» деган тушунча унинг учун деярли йўқолиб бораётганини суҳбатлашиш учун излаганимда тушиндим. Телефон орқали беш-олти мулоқотлардан сўнг, ниҳоят, Саъдулла Абдуллаев билан суҳбатлашишга муяссар бўлдим.

Суҳбат асосида шу нарса англашилдики, С.Абдуллаев 1985-89 йилларда Театр ва рассомлик санъати институтида актёрликдан сабоқ олган. Биринчи устози Марям Ашурова номини ҳурмат билан тилга олади. Албатта, у ўқишни битириб, актёр бўлиши керак эди. Лекин бошқа йўлдан кетди. Дастлаб Шукур Бурҳонов номидаги театр-студиясида фаолият кўрсатди, кейин «Ёр-ёр» театр-студиясини очиб, у ерда ҳамфикрлари билан иш бошлади. Шу тариқа дастлабки видеоклиплар юзага келди. Нега айнан видеоклиплар?

— Биласизми, — дейди С.Абдуллаев, — видеоклиплар яратишга қизиқишим қачон бошланган? Институтда ўқиб юрган кезларимизда бизга этюдлар яратишни топширишарди. Шунда мен юрган йўлимда ҳам, ўқишда ҳам, бўш вақтимда ҳам фақат қандайдир мавзулар устида бош қотиришни одат қилдим. Ана шундай беадад ўй-хаёлларни оқибатида хотирамда ажойиб сюжетлар тўпланиб қолаверарди. Сюжет ва воқеалар тайёр бўлгандан сўнг, албатта, қаҳрамонлар қиёфасини тасаввур қила бошлайсиз.

Бастакор ва хонандалар билан ҳамкорлик С.Абдуллаев иқтидорининг яна бир қирраси — концертлар, шоу-дастурлар режиссёрлиги фаолиятининг бошланишига туртки бўлди. 1996-97 йилларда хонандалар Рустам Ғойипов ва Дониёр Тошмуҳамедовларнинг яккахон концертига режиссёрлик қилди. Томошабинлар уларнинг дастурларини илиқ қарши олдилар.

1998 йилдан бошлаб унинг ижодида янги саҳифа очган «Замин юлдузлари» фестивали бошланди. Дастлаб қаторасига 5 йил ўтказилди, сўнгги — олтинчи фестивал 2003 йил феврал ойида бўлди. Биринчи «Замин юлдузлари» орасида юртимизнинг турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган Фаррух Зокиров, Насиба Абдуллаева, Миржалол Қосимов, Сўғдиёна Исроилова, Мирзабек Холмедов, Рустам Қосимжонов, Руфат Рисқиев каби машҳур кишилари бор эди.

— Бундай ўзига хос руҳдаги шоу-дастур ўтказиш ғояси 1997 йили пайдо бўлганди, — дейди Саъдулла Абдуллаев. — Ғоянинг юзага чиқишида Бахтиёр Тўраевнинг рассом сифатидаги фаолияти катта аҳамият касб этди. Бундан ташқари, ҳар йилги фестивалнинг кўтаринки руҳда ўтишида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ички ишлар вазирлиги, «Тошшаҳарнур» ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимининг хизматлари катта.

Бизнинг бу фестивални ўтказишдан асосий мақсадимиз — ўз соҳасининг устаси бўлган истеъдодли шахслар меҳнатини рағбатлантириш ва бошқа шундай кишиларда ўз ишининг бесамар кетмаслигига умид уйғотишдир. Шу билан бирга, фестивал баҳона томошабинларни юртимиздаги ва чет эллик машҳур санъаткорлар билан юзма-юз учраштириш ҳамда ёш истеъдодларни кашф этиш ҳам асосий мақсадларимиздан бўлган.

Масалан, бу йилги «Ниҳол» мукофоти совриндорларидан бири бўлган эстрада хонандаси Дилноза Исмияминова 16 ёшида «Замин юлдузлари» фестивалида саҳнага чиққанди.

Саъдулла Абдуллаев раҳбарлик қилаётган «Замин» студиясида иш ҳамиша қизғин. Турли концертлар, шоу-дастурлардан ҳоли вақтида бу ерда узлуксиз ижодий иш давом этади. Кўплаб хонандаларнинг турли мавзудаги қўшиқлари учун видеоклиплар суратга олинади. Аксарият ҳолларда «Замин» ижодкорлари ғояси асосида ишланган клиплар тингловчи ва томошабинлар эътиборига тушади. Жумладан, ёш истеъдодли хонанда, бу йилги «Ниҳол» мукофоти совриндори Гулсанам Мамазоитова учун Яссавий ҳикматлари асосида саҳналаштирилган қўшиқнинг тақдири шундай бўлди. Бу қўшиқ хонанда репертуаридаги энг яхши номерлардан бири бўлиб қолди.

— Клип ҳаракат асосига қурилади, — дейди С.Абдуллаев. — Унинг турлари кўп. Оператор иши асосига қурилган клиплар, компютер графикаси асосидаги, саҳнада олинган клиплар... Клип қандай бўлишидан қатъи назар, 3-5 дақиқа ичида бирор сюжетни ўз ичига сиғдиришга улгуради. Кўпинча мазмунли клиплар суратга олинади.

Клип ишланаётганда мен биринчи навбатда қўшиқнинг мазмунига ва ана шу мазмунга мусиқанинг мос келишкелмаслигига эътибор бераман. Агар уларнинг ҳар иккови ўзаро уйғун, бунинг устига ижро савияси юқори бўлса, клип ҳам яхши чиқади.

Умуман, клип олаётганда ҳам, концерт ёки бирор тадбирни саҳнага қўяётганда ҳам режиссёр меъёрни билиши керак. Меъёр ҳамма жараён учун бирдек зарур. Кези келганда Баҳодир Йўлдошев, Дмитрий Коробкин каби режиссёрлар ибратли ишларни амалга ошираётганларини айтиб ўтмоқчи эдим. Кейин, маблағ масаласи ҳам муҳим. Бу эса, шубҳасиз, ҳомийлар ҳимматига боғлиқ. Шу ўринда ҳар қандай тадбирларнинг, хусусан, концертларнинг ҳомийларини ҳам рағбатлантириш, яъни тарғиб этиш муҳим омиллардан бири эканини эслатиш жоиз.

Режиссёр билан суҳбат асосида «Замин» студияси ўтказган танлов асосида ташкил топган янги — «Шаҳризода» гуруҳининг илк муваффақиятларидан воқиф бўлдик. Муборак Ашурбоева, Азиза Исмадиёрова ва Шаҳноза Шокировадан иборат бу гуруҳнинг яқинда 10 дан ортиқ қўшиқлари жамланган илк аудиоалбоми чиқди. Тошкент циркида ўтган «Сен азиз ва муқаддассан аёл» номли концертда «Онажоним» ва «Гўзал эртак» қўшиқларини куйлаган қизларни томошабинлар яхши кутиб олишди. Ҳозир гуруҳ Хитой сафарига ҳозирлик кўряпти. Албатта, қизларда ҳали тажриба, амалий кўникмалар етишмайди, бироқ интилишда, изланишда гап кўп.

С.Абдуллаев студия ишлари ва режалари ҳақида гапирар экан, яқинда «Мувад» видеостудияси билан ҳамкорликда Юлдуз Усмонованинг «Сиз меникисиз» номли қўшиғига клип суратга олганликларини айтди. Айни кунларда эса хонанда Нилуфар Раҳматованинг «Халқлар дўстлиги» саройида ўтадиган концертига тайёргарлик кўришяпти.

Режиссёр Саъдулла Абдуллаевнинг ижодий ишларига омад тилар эканмиз, унинг бисотида бадиий жиҳатдан юксак савиядаги, ҳақиқий ўзбекона миллий клиплар кўпайишини тилаб қоламиз.

Гулчеҳра УМАРОВА

Шодмон ОТАБЕК

ИМТИҲОН ЯҚИНЛАШГАНДА
ЁХУД ОЛТИН ДАВР ҲАНГОМАЛАРИ

«Талабалик олтин давр» дейишади. Қайдам, бу дунёда ҳамма нарса нисбий, шундай бўлгач, талабалик ҳам кимгадир олтин, кимгадир... Майли, чуқурлашмайлик...

Хуллас-калом, ана шу ажойиб даврнинг ажойиб гаштини «маза» қилиб суриб юрган қаҳрамонларимиз — Тошпўлат, Мўмин, Ҳамидлар ётоқхонада ширин уйқуда эдилар. Талаба халқини биласиз — уззу кун тиниб-тинчимайди, қоқ ярим тунгача ухлашни хаёлига келтирмайди. Жамики муаммоларнинг ечимини охирги кечага тақаб қўяди. Катта алломалар бутун умрини сарфлаб ўрганадиган фанни талаба бир кечада ўрганиб-ўзлаштириб, эртаси куни имтиҳон ҳам топширади.

Қаҳрамонларимиз туни билан куймаланиб, алла-паллада ухладилар. Эртаси куни якшанба бўлгани учун бемалол ётавердилар. Одатда гавжум, сершовқин ётоқхона айни тонг палласида ногоҳ сокин бўлиб қолади. Аммо ана ўша сокинликка бугун кўз тегди. Ҳали суфи азон айтмасдан қаҳрамонларимиз ётган хона эшиги қаттиқ тақиллади. Биринчи бўлиб ёши шерикларидан каттароқ, ҳарбий хизматни ўтаб келган Тошпўлат уйғонди. Эринибгина ўрнидан туриб, эшикни очди. Очди-ю ҳайратдан лол қолди. Остонада «Материаллар қаршилиги» дарсининг домласи, қаттиққўллиги билан талабаларнинг юрагини олиб қўйган Ғойипов турарди. «Кимки шу дарсдан эсон-омон имтиҳон топширолса, институтни битирдим деб ҳисоблаши мумкин», деган гаплар бежиз айтилмаганди.

— Э, келинг, домла, — деди Тошпўлат андак тараддудланиб, — қани ичкарига...

— Раҳмат, арзимас бир илтимос билан келувдим, — домла дангалига кўчди.

«Ажабо, домланинг талабада қандай илтимоси бўлиши мумкин? Ҳамиша бунинг тескариси бўларди-ку!» дея Тошпўлат ҳайрон бўлди.

— Шу... участкада озгина иш бор эди. Шунга ёрдамлашворсанглар. Бугун якшанба, баҳонада бир «разминка» қиволасизлар.

Тошпўлат бўшашибгина «Майли» деб юборганини сезмай қолди. Бояқиш бундан бошқача жавобни тасаввур ҳам қилолмасди. Бир ҳафтадан кейин Ғойиповнинг имтиҳони! Қани йўқ деб кўр-чи! Фақат арбоблар эмас, домлалар ҳам ҳар боб билан уришга уста бўлиб кетишган. Айниқса, Ғойипов! «Материаллар қаршилиги»ни ўқиб-ўқиб енгиш мумкин, аммо домла бир ўчакишса, унинг қаршилигини енгиб бўлмайди.

— Бўпти! — деди домла ишнинг осон кўчганидан мамнун илжайиб. — Пастда сизларни кутиб тураман, шерикларингни уйғотиб тушарсан.

Шерикларни уйғотиш осон кўчмади. Мўмин ҳарқалай ўз номи билан мўмин эди, уни бир амаллаб уйғотди-ю инжиқ ва нозикмижоз Ҳамидни ўрнидан қўзғотгунча анча хуноб бўлди.

Қаҳрамонларимиз юз-кўзларини чала-чулпа ювдилару шоша-пиша пастга тушдилар.

Ташқарида тез-тез соатига қараб, бетоқат кутиб турган домла талабаларни автобус бекатига бошлади. Ҳамид Тошпўлатга иддао билан ўқрайди: «Қурумсоқ домланг текин ишлатганига яраша таксида олиб кетса ўладими?»

Тошпўлат «иложим қанча» дегандай елка қисди. Йўл ҳам анча олис экан, домланинг шаҳар четидаги ҳовлисига етгунча уйқуга тўймаган йигитлар автобусда тик туриб, мудраб-тебраниб боришди.

Манзилга етишгач, домла ишни маъруза ўқигандек, қисқача тушунтирди: айвондаги чала кавланган ертўлани қазиб, охирига етказиш керак!

Шоввозлар енг шимариб ишга киришдилар. Ертўла қазилаётган жой тошлоқ экан, бақувватроқ Тошпўлат лом билан шағалли тупроқни кўчириб, замбилга солар, Мўмин билан Ҳамид юкни ҳовли адоғидаги чуқурликка элтиб, тўкиб келар эди. Тошпўлат ҳар гал замбилга тупроқ солаётганда Ҳамид минғирлайди: «Ҳей, замбилни кўп тўлдирма, сенга ўхшаб хўкиздек кучимиз йўқ!» Тошпўлат бунга жавобан «Хўкиздек кучинг бўлмаса ҳам, энди эшакдек ишлайсан, ҳа, бўлақол, хих!» дея қитиқпатига тегади. Мўмин мўминдек кўрингани билан андаккина писмиқлиги ҳам бор эмасми, «Мана кўрасанлар, домла то коронги тушмагунча қўйвормайди, келажагимиз порлоқ», дея шериклар кўнглига ғулғула солади.

Оғир иш қилиб ўрганмаган Ҳамиднинг нозик қўллари шилиниб кетди. Замбил дастасини ушлашдан безиллаб қолди. Ахийри азобга чидолмай, замбилни отиб юборди:

— Э бор-э, кимга керак бўлса, ўзи қилаверсин. Менга нима зарил?!

Шу маҳал домла ичкаридан эски челакни кўтариб чиқди ва бостирма тагида боғлоқлик турган улкан овчарка итнинг ялоғига ювинди қуйди. Ит ютоқиб овқатни ича бошлади.

Эрталабдан нонушта қилмай ишлаётган талабаларнинг ичини ит таталагандай бўлди.

— Домла бизни нонушта қилиб келган бўлса керак, деб ўйлагандир, — деди Тошпўлат шериклар номидан ишга розилик бериб юборгани учун ўзини айбдордек сезиб.

— Ҳафтада бир кун оч юриш соғлиққа кони фойда экан! — деди Мўмин. — Америкалик олим Пол Бреггнинг китобида ўқиганман.

— Сафсатани бас қилайлик! — деди Тошпўлат ногоҳ жиддий тортиб. — Барибир шу ишни битирмасак қутулмаймиз.

Ниҳоят, домланинг тушликка чорлаган чақириғи эшитилди.

Талабаларнинг ўзидай ғарибгина дастурхонга айни «мардикорбоп овқат» — макарон шўрва тортилди.

— Аксига олиб, бугун маҳаллада қассоб мол сўймабди!

— Ҳечқиси йўқ, домла, гўшт соғлиққа зиён экан! — деди Мўмин ҳозиржавоблик билан.

— Шундай денг?! — домла кесатиқни пайқамади. — Тарихда ўтган жуда кўп буюк шахслар гўшт ейишмаган!

— Лекин улар ертўла қазишмаган-да! — деб юборди Ҳамид беихтиёр.

Тошпўлат «Ўчакишма!» дегандек хонтахта остидан унинг оёғини босиб қўйди.

Тушликдан кейин орадан бир-икки соат вақт ўтгач, ниҳоят ертўлани қазиб бўлишди.

Йигитлар «Энди бу ерни елкамизнинг чуқури кўрсин!» дея кетишга чоғланиб туришганда домладан янги гап чиқиб қолди.

— Баракалло, ертўлани бопладинглар! Энди ишнинг иккинчи қисми қолди. Ҳовли четидаги ҳов ана бу симтўрларни кўряпсизларми? Ҳозир ўша ерга бориб, аввал арматура қозиқларни қоқасизлар, сўнг унга симтўрларни боғлаб, ҳовли атрофини ўраб чиқасизлар. Яна бир ғайрат қилсанглар, қуёш ботгунча битирворасизлар.

Янги ишнинг дарагини эшитган талабалар қишда бошидан совуқ сув қуйилгандек жунжикиб кетишди. Балки ҳазиллашаётгандир, дея домлага мўлтираб қарашди. Йўқ «Материаллар қаршилиги» жиддий эди.

Шўрлик талабалар тарвузи қўлтиғидан тушиб, яна иш бошлашди. Мўмин билан Ҳамид билакдек йўғон арматура қозиқларни қўллари қалтираб зўрға тутиб турар, шашти анча тушиб қолган Тошпўлат уни гурзи билан инқиллаб уриб, ерга аранг киритар, сўнг симтўрни боғлашар эди. Бу ишнинг охир-адоғи кўринмас эди.

— Топдим! — деди Ҳамид кутилмаганда.

— Нимани топдинг? Тиллами? — энсаси қотиб сўради Мўмин.

— Йўлини топдим, йўлини! Бу лаънати ишдан тезроқ қутулиш йўлини топдим.

— Хўш, хўш? — Тошпўлат ишонқирамай, оғир гурзини ушлаганча қараб қолди.

— Ана бу қум уюмларини кўряпсизларми?

— Кўрдик, хўш?

— Нажот ўша ерда. Мана бу арматура қозиқларни секин, биров кўрмайдиган қилиб ўша қумга кўмиб қўямиз.

— Хўш, кейин-чи?

— Кейин, домлага «Қозиқларингиз тугади» деймиз. Қозиқлар тугагач, иш ҳам тугайди.

— Бошладик. Таваккал!

— Таваккал!

Ишдан зада бўлиб, эзилиб-сиқилиб турган талабалар хаш-паш дегунча арматураларни қумга гумдон қилишди. Қолган саноқли арматурани тезда ерга қоқиб, симтўрни нари-бери тортгач, «Хайриият, энди қутулдик бу даҳмазадан» дея секин ўтириб тин олишди.

Гурзининг овози эшитилмай қолганидан ҳавотирланган домла дарҳол етиб келди.

— Арматура тугаб қолди, домла! — Тошпўлат тантанали равишда масалага аниқлик киритди.

— Йўғ-э?! Чамамда бемалол етиши керак эди-ку! Бирортаси ўғирлаб кетдимикин? Атроф очиқ. Ҳай майли, қўшни маҳалладаги Қамбаралида бор, сўрасам йўқ демайди, келаси йили ўғли ўқишга киради. Кетдик, ўша ёқдан ташиб келтирамиз!

Озодликка чиқарилган маҳбусга «Авф нотўғри экан, Сиз яна қамоққа олиндингиз!» дейилса қандай ҳолга тушади? Бояқиш талабалар худди шундай аҳволда эдилар. Ҳангу манг бўлиб, ноилож домлага эргашдилар. Йўлда Мўмин Ҳамиднинг ярасига туз сепди: «Ҳе, йўлини топмай ўл!..»

Иккови ҳам аламзада эмасми, муштлашиб кетишига сал қолди. Тошпўлат катталик қилиб, ажратиб қўйди: «Жим! Жанжаллашган... имтиҳонга ёлчимайди!»

Ишнинг осонини кўзлаб, қийинига тутилган бояқиш талабалар оқшом чўккунча силлалари қуриб, қўшни маҳалладан арматура ташидилар. Сўнг, чироқнинг ёруғида алламаҳалгача қозиқ қоқиб, симтўр ўрнатдилар. Ётоқхонага ярим тунда қайтиб келганларида, уларни ажойиб бир хушхабар кутиб турарди: Домла Ғойипов пенсияга чиққанлиги муносабати билан «Материаллар қаршилиги»дан имтиҳонни профессор Азроилов шахсан ўзлари оладиган бўптилар...

ҲАЖВИЯ

Жаҳонгир Мирзо чизган сурат.

Ҳусниддин ШАРИПОВ

САЁҲАТНОМА

Чўққилар қорда қолди, дарё ҳам ортда қолди,
Бизни бир кўкаламзор дунё бағрига олди.

Йўл юришга ботирмиз: учиб бораётирмиз,
Бир жуфтимиз — навқирон, бир кексароқ шоирмиз.

Завқу шавқ ва табиат аста ёқа-енглашиб,
Ёшимиз ҳам, асфалтда, борар худди тенглашиб.

Ўрми-қирми ўтганинг, пайқалмасди бу йўлда,
Қориндаги пиво ҳам чайқалмасди бу йўлда.

Бир ёнда — теракдевор, маккажўхоризорлар,
Барг аро ҳовуз порлар, лабида — сўри чорлар.

Йўл чети — зар ҳошия: қаршилар меҳмоннавоз
Нозик райҳон, гулсафсар, мағрур гултожихўроз!

Далалар ва қишлоқлар бир-биридан сафоли,
Тарошланган ҳаттоки дов-дарахт соч-соқоли.

Бунда ҳатто қовунни туширарлар пуф-пуфлаб,
На уйни, на қалбини юрмас деҳқон қулуфлаб.

Онда-сонда йўл узра йигит учрар формалик,
Лекин ундан, хайрият, зарра озор кўрмадик.

Қўлда таёғи бор-у, силкитмас кўп, қилмас дўқ,
Демак, анча билимли, меъдаси ҳам анча тўқ.

(Ҳаёт экан, бизларнинг юрагимиз сал яра,
Боисини айтмасак, тўлиқ бўлмас манзара:

Оҳангарон ёқлардан келар эдик пириллаб,
Йўл-йўл таёқлилардан томиримиз зириллаб.

Таёқ нима, шоввознинг қўлида бор «дурбини»,
Шофёр бола зил кетар, кўриб унинг турқини.

Давом этди яна йўл... Яна қолдик илиниб...
Яна шофёр боламиз келди бироз «шилиниб».

Шунда ҳам, одоб сақлаб, нафасни ютиб кетдик,
Минг шукр, эсон-омон Поп томон ўтиб кетдик.)

Мана, боғлар қўйнида қувнаб бораётирмиз,
Овчи бўлиб, илҳомни қувлаб бораётирмиз.

Омухтадир водийда келажак ва тарихлар:
Данғара, Қўқон, Боғдод, Риштон, Олтиариқлар...

Чорлар эди ҳар гўша куйлаб, ёзиб дастурхон,
Узримиз бор, начора, тўхтамоққа йўқ имкон.

Ахир мезбон йўл узра яшил чироқ кўтарди:
Бизни Охунжон Ҳаким шеъри олдда кутарди!

Равшан ИСҲОҚОВ

ОЙДАЙ ОЙДИН ЭРТАГИМ



БОЛАЛИГИМ

Болалигим — пошшолигим,
Орзуларга ошнолигим.
Илк кўз очган чашма мисол
Ҳаётта ўч, ташналигим.

Булутларни қучгим келар,
Осмонларга учгим келар.
Тубсиз, ҳадсиз уммонларга,
Юрагимни очгим келар.

Шўху шанман шалоладай,
Чўғ, оловман ол лоладай.
Болалигим кўнгли нозик,
Чирт узилар соч толадай.

Бирам дилбар, бирам ўктам,
Дилда сурур, йўқ зарра ғам.
Хотирамни тиниқ қилган,
Болалигим — биллур шабнам.

МОМОҚАЙМОҚ

Капалакдай мизғийсан,
Қўлим тегмай тўзғийсан.
Қор учгандай изғийсан,
Момоқаймоқ.

Дерлар сени қоқи ўт.
Оппоқ қанот қоқиб ўт.
Дилда олов ёқиб ўт,
Момоқаймоқ.

Сочи қиров — пахмоғим,
Пахмоқ эмас, қаймоғим.
Гўзал ҳуркак оҳудай,
Момоқаймоқ.

Ойдай ойдин эртагим,
Қўлга олсам эрмагим.
Жиз этади юрагим,
Момоқаймоқ.

ЎЗИМ ЎҚИЙМАН

НОН ТАЪРИФИ

Седанали, жиззали,
Бир-биридан мазали.
Сутли, пиёзли, ёғли,
Ушоғи ҳам ардоқли.
Ширмой, лочира, патир,
Оби нон хушбўй татир.
Тўлиб кетган расталар,
Ёпган моҳир усталар.
Новвой, деймиз меҳр-ла,
Узган юрак сеҳри-ла.

Нонларки, нурли офтоб,
Таърифи тенгсиз китоб.
Ундандир қут-барака,
Файзлидир тўй-маърака.
Нон бу — ризқу рўзимиз,
Нон бор — ёруғ юзимиз.

КУЗДА

Дами ўткир пичоқдай,
Олмос камар ярқирар.
Балиқлар ўйинчоқдай,
Басма-басига сакрар.

Тошдан-тошга думалаб,
Маржон сочилар тутдай.
Йўргакданоқ қум ялаб,
Кўпириб ётар сутдай.

Олиб қочар хаёлот,
Сой бўйи бирам сокин.
Тубида оқар ҳайрат,
Қўл билан ушлаш мумкин.

Момиқ уруғ-аймоғим,
Момоқаймоқ.

Бирам енгил парқудай,
Киприкдаги уйқудай.

Юзлари ял-ял чирой,
Мисли кулча тўлин ой.
Бўрсиллатиб шиширган,
Қизартириб пиширган.

ҲИКОЯ

ХАСИС

Қадим Кўфа шаҳрида аломат бир одам яшарди, хасислик бобида саррофлару судхўрлар ҳам унинг олдида ип эшолмасди. У бир куни: "Басрада битта хасис бор, сенга ўхшаган хасисларни ўқитиб қўяди", деган гапни эшитиб қолади. Ўша кундан эътиборан ҳаловатини йўқотади, охири чиптa ковушини кийиб Басрага йўл олади; устози аввалдан илми амал ўрганишга аҳд қилади.

Сўраб-сўраб басралик хасисни топади.

— Биз ҳамкасб эканмиз. Эшитишимча, чор атрофдаги хасисларга устозлик қилар эмишсан. Қани, ҳунарингни кўрсат, билмаганларимни сендан ўрганиб кетай, — дейди меҳмон.

Басралик хасис ёйилиб илжаяди.

— Хуш келибсан! — дейди. — Довруғим Кўфага ҳам етиб борганидан бағоят хурсандман. Меҳмоннинг изни мезбонда бўлади, энди сен нафасингни ростлаб олгин, оёқларингни узатиб бемалол ҳордиқ чиқаргин; мен бозорга бориб ул-бул харид қилиб қайтаман. Кейин бафуржа ҳангомалашамиз, — деб басралик хасис бозорга йўл олади.

У дастлаб новвойхонага боради.

— Кўфадан азиз меҳмон келиб қолди, яхши нонлардан қолдими? — деб сўрайди.

— Сиз учун топиб бераман, сарёғ қўшилган ширмой нон бор, — дейди новвой.

— Бўпти, бозордан қайтишда кириб ўтаман, — деб хасис новвойхонани тарк этади. Сўнг: "Нон олгандан кўра бир қадоқ сарёғ харид қилганим яхши эмасми? Қайтанга харажат ҳам тежалади", деб ўзича мулоҳаза юритади.

У баққол дўконига бориб:

— Сарёғ борми? — деб сўрайди. — Кўфадан азиз меҳмон келиб қолди; нозиктаъб экан, нима кераги бор!"

Шундай қилиб, у каппоннинг нариги томонидаги баққолга учрашади.

— Кўфадан келадими, нариги дунёдан келадими — меҳмон бўлса ўзига, — дейди басралик хасис томдан тараша тушгандек.— Меҳмон деган нокас олдига қўйилган нарсани заққумига ютиб, индамайгина раҳмат айтиб кетиши керак; таъбининг нозиклигини деб қилиб, мезбонни бозорма-бозор югуртириб сарсон этиб қўйиш яхши эмас! Тўғрими, ҳамшаҳар? — дейди зардаси қайнаб.

Хасиснинг дийдиёсини эшитиб ҳайрон бўлиб турган баққол:

— Тўғри, — дейди кўзларини пирпиратиб. — Хўш, хизмат?

— Зайтун мойи борми?

— Бор. Мана, худди булоқ сувидек тип-тиниқ, мусаффо! — деб баққол кўзада турган мойни чўмич билан шопириб кўрсатади.

— Шошма! Мен аввал бозорни бир айланиб кўрай, қайтишда албатта сендан мой олиб кетаман.

У бозордан чиқар экан, хаёлидан ўтказди: "Уйимда икки кўза тип-тиниқ, мусаффо булоқ суви бор-ку! Сув тиниқлик, мусаффолик қисталоқ! Тағин басраликларнинг устидан кулиб кетмасин, зўр жойидан бергин...

— Айнан зўр жойи қолган, ҳатто зайтун мойидан фарқи йўқ! — деб баққол тарозига тош қўяди. — Қанча керак?

— Шошма, аввал бозор оралаб кўрай, қайтишда албатта кириб ўтаман, — деб хасис дўкондан чиқади. Йўл-йўлакай: "Зайтундан фарқи бўлмаса, биратўла зайтун мойи сотиб олганим афзал эмасми? Ортиқча харажатнинг бобида зайтун мойидан қолишмайдиган бўлса, мойга пул сарфлаб нима қиламан! Нима, мен подшо қизининг эриманми?"

Хуллас, басралик хасис ҳеч нима харид қилмай, ҳамёнидаги пулни қайта-қайта санаб уйига қайтиб боради.

Кўфалик хасис бўлса "бирйўла устознинг хонадонида ошқозонимни тўлдириб оламан, кейин бир ҳафта сув ичиб, кекириб юраман", деб уч кундан буён туз тотмаган эди. Унинг назарида, гўё Басрадаги жамики ошпазлар кўфалик азиз меҳмон учун лазиз таом ҳозирлаш билан банд эди. Икки қўлини бурнига тиқиб бозордан қайтган мезбонни кўриб ёмон ғулдиради.

— Азиз дўстим, уйимда шундай лазиз бир таом борки, қайта-қайта унинг таърифини эшитиб, бо Худо, ёқамни ушладим! Ишонмасанг, эрта-индин ўзинг ҳам баққоллардан сўраб кўришинг мумкин! — дейди басралик хасис остона ҳатлаб ичкарига кирар-кирмас. Бозордаги саргузаштларини гапириб берғач, ертўладан оғзини ўргимчак ини қоплаган бир кўзани кўтариб чиқиб мезбоннинг олдига қўяди. — Буни бурноғи рамазонда қўшнимиздан бир пайса кепакка алмаштириб олган эдим. Тип-тиниқ, мусаффо булоқ суви... Ростини айтсам, ҳозир одамларда инсоф қолмаган, улар ҳатто сувни ҳам сотади, сувни-я! Сув ердан чиқса, уни ҳеч ким экиб қўймаган бўлса! Ҳеч жаҳонда... Қани, қуй косага! — деб лаби учган сопол косани узатади.

— Тан бердим, сен дунёдаги барча хасисларнинг устози экансан! — дейди кўфалик хасис ва кўза оғзидаги ўргимчак инини енги билан артиб, косага қулқуллатиб сув қуйиб симиради.

Форс тилидан
Оқила НАБИЕВАнинг эркин таржимаси

Дунё—кенг...

КАСАЛМИСИЗ? ҚУШИҚ АЙТИНГ!

Австралиялик тиббиёт психологлари сурункали оғриқлар ва депрессиялардан халос бўлишнинг усули сифатида беморларга... қўшиқ куйлашни тавсия этишади.

Бирор жойимиз оғриганида дори ичиш — одатдаги ҳол. Бироқ бу оддий усул ҳар доим ҳам самарали бўлавермайди. Одам организми бора-бора дориларга ўрганиб қолади. Оқибатда дориларни икки-уч баравар кўпроқ истеъмол қилишга ёки уларнинг кучли таъсир кўрсатадиган хилларини қўллашга мажбур бўламиз. Шу боис, турли мамлакатлар олимлари доимо дорилар ўрнини, вақтинча бўлса-да, босадиган малҳам усулларни қидиришади.

Австралиялик психологлар ўз тажрибаларида бўғинлар ва умуртқа оғриғидан азоб чекадиган беморларга қўшиқ айтиш яхши наф берганини таъкидлашади. Мутахассислар беморларга ҳафтада уч марта ярим соатдан қўшиқ куйлаш машқини тайинлашган. Натижа эса кутилганидан-да яхши бўлган: биринчи сеансдан кейиноқ беморларда толиқиш ҳолати ва асабийлик йўқолган, улар ўзларини хийла бардам сезишган.

Хуллас, ноанъанавий муолажа усули Сидней шаҳридаги госпитал ходимларини ҳам ҳайратга солганки, уларнинг аксарияти бу усулни ўзларида синаб кўришга киришиб кетишган.

ЮЗДАН ОШГАН ЯПОНЛАР

Японияда ёши юздан ошган кишилар сони йигирма уч минг нафарга етди. Ҳар йили 20 сентябрда нишонланадиган Қариялар куни арафасида мамлакат соғлиқни сақлаш ва меҳнат вазирлиги бу ҳақда расман хабар тарқатди.

Хабарда айтилишича, шу йил сентябр ойи охирида Японияда юздан ошган кишилар сони 23038 нафарга етади. Фақат кейинги бир йил ичида юз ёшли японлар сони икки ярим минг кишига кўпайган.

Япон ҳукумати узоқ умр кўрувчи фуқаролар рўйхатини юрита бошлаган 1963 йили бу мамлакатда атига бир юз эллик уч киши юз ёшдан ошгани қайд этилган эди. Бунда ҳар беш кекса фуқародан тўрт нафари аёллар бўлган.

Юз ёшдан ошган кишилар рўйхати бошида Кюсю оролида истиқомат қилаётган бир юз ўн тўрт яшар Ура Кояма хоним туради.

БЕРЛИН ДЕВОРИНИ КИМЛАР ҚЎМСАЙДИ?

Германияда чиқадиган «Дейч Велл» газетасининг ёзишича, «совуқ уруш» замони барҳам топганининг тимсолига айланган Берлин деворининг қулашидан бугунги кунда немисларнинг ҳаммаси ҳам хурсанд эмас экан. Газетанинг ёзишича, немисларнинг ҳар беш нафаридан бири бу девор тикланса яхши бўларди, деб ҳисобларкан.

Ҳам шарқий ва ҳам ғарбий Германияда ўтказилган тадқиқот давомида ҳар иккала тарафдан икки минг киши сўралган. Маълум бўлишича, ғарблик немисларнинг ҳар тўрт нафаридан бири ўзларининг шарқлик миллатдошларидан айрича яшаш истагини билдирган.

Гап шундаки, ғарблик немисларни собиқ социалистик ГДР иқтисоди модернизацияси учун сарфланган саксон миллиард евро кўпдан беором қилади. Берлин девори қулаганидан бери ўтган ўн тўрт йил мобайнида шарқий ҳудудларда яшовчи аҳоли турмуш даражаси ғарблик немисларники даражасига етмаган. Бундан ғарблик немислар кўп маблағ йўқотишаётганини бот-бот уқтириб туришади. Шарқлик немислар эса Берлин девори қулаб, Германиянинг бирлашгани турмушларига қут-барака олиб келганидан хурсанд. Сўровда иштирок этган шарқий германияликларнинг 57 фоизи кейинги йилларда турмуш даражалари кўтарилганини таъкидлашган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Театр ижодкорлари уюшмаси Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусиқали драма театрининг артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Ақида ҲАЙИТОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50
Санъат бўлими: 136-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Навбатчи — Фарҳод МАҲКАМОВ
Саҳифаловчи — Шохрух ҚОСИМОВ
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1060. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН